

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕСИТЕТИ**

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси

Қулёзма ҳуқуқида

Комилов Дилшодбек Турсунбой ўғли

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ФАРОВОНЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН
ВАЗИФАЛАРНИНГ “КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ”
ТАМОЙИЛИДАГИ МАЗМУН-МОҲИЯТИ**

5111600-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълим йўналиши бўйича
баклавр академик даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Иш раҳбари: тарих фанлари
номзоди, доцент Ш.М.Асқаров

АНДИЖОН-2015

МУНДАРИЖА

Кириш	3
 I боб. Кучли ижтимоий сиёсат – “Ўзбек модели”нинг таркибий қисми сифатида.	
1.1 бўлим. Ислон Каримовнинг “Ўзбек модели” концепцияси тизимининг мазмун моҳияти	7
1.2 бўлим. Кучли ижтимоий сиёсат тамойилини назарий, амалий, ҳуқуқий ва ижтимоий асослари.....	16
 II боб. Инсон олий қадрият - кучли ижтимоий сиёсатнинг мақсад моҳияти ва механизмлари.	
2.1 бўлим. Инсон кадри олий вазифа тамойилининг Мустақил Ўзбекистондаги хусусиятлари ва амалий жиҳатлари.....	36
2.2 бўлим. Аҳолини ижтимоий ҳимоясини кафолаатловчи қонунчилик ва давлат сиёсатидаги муҳим қўринишлар.....	47
Хулоса.....	58
Фойдаланилган адабиётлар.....	60

Кириш

Ўзбекистон Мустақилликка эришар экан улкан тарихий вазифа, давлатчилик, миллий ўзлик, иқтисодий мустақиллик, маънавият ва маърифатимизни ва қатор бошқа имконият ва қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш сари йўл олиш муаммоларини ҳал этиш керак эди. Ҳар қандай жамият ўзлигини юксалтиришни мақсад қилиб қўяр экан албатта назарий асосланган, мукамал, бир неча ўн йилларни мўлжаллаган режа бўлиши шарт. Мустақил Ўзбекистонимизда бу вазифа истиқлолимизнинг дастлабки йилларда Ислом Каримов давлатимиз раҳбари бўлиб келгандан бошлаб ҳаётий вазифа бўлиб қелмоқда. Шунини такидлаш жоизки, биз ўз оқидмизга янгиланган, тарихийлигига, миллий ўзлигига, маънавий илдишларига, иқтисодий бардамлигига ва энг асосийси суверинитетнинг том маносидаги ҳолатига қайтишимизни белгилаб олдик. “Кўп мамлакатларнинг тажрибаси деб ёзган эди И.А.Каримов Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида асарида – бозор муносабатларига ўтиш силлиқ, ижтимоий қийинчиликларсиз, осон кечмаслигини кўрсатди. Бу объектив жараёндир.”¹ Демак Ўзбекистон давлати биринчи галда айнан шундай объектив жараёнларнинг ҳавфини иложи, бориша салбий тасирларини қайтариши зарур эди.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига таклиф этган бундай йўли “Ўзбек модели”нинг негизларига киритилган бўлиб, унинг тамойиллари тўлалигича юқоридаги вазифани қамраб олди. Ислохий йўналишларимизнинг ғоялари ҳаётимизнинг ҳар бир жаҳҳасини қамраб олар экан, унда “Кучли ижтимоий сиёсат” алоҳида урин ва жой эгаллади. Негаки, инсонпарвар, демократик, одил, ҳуқуқий, фуқаролик жамияти қуруш учун биринчи навбатда, жамият аъзоларининг ҳимоялангани, буткул инсонлар манфаатларига жавоб бериши керақдир. Масала шундайлигича қўйилар экан жамиятимиз аъзолари ҳам ички, ҳам ташқи муҳитда ҳимояланиш чора тадирларини амалга оширилганлигини ўз фаровонлигида сездилар.

¹ И.А.Каримов Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: Ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт қаролатлари. Тошкент 1997 иил. 214 бет.

Мавзунинг долзарблиги. Бозор ислохотларини

чуқурлаштиришнинг миллий модели асосидаги иқтисодий сиёсатда инсон, оила манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш бош устувор вазифа бўлиб қолмоқда. "Ижтимоий бирликни таъминлаш - ижтимоий зиддият ва тенгсизликларнинг ўзларини адолатсиз равишда ҳамма нарсадан бебаҳра бўлиб қолган ёки ҳақ-ҳуқуқлари камситилган деб ҳисобловчи аҳоли гуруҳлари ва табақалари вужудга келадиган даражага бориб етмаслигига эришиш демакдир. Шу боисдан ҳам Ўзбекистоннинг ўз янгилашиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи тамойиллардан бири кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдан иборатдир", - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А.Каримов.¹

Ислохотларнинг бошланғич босқичида ҳукумат томонидан кўрилган чоралар натижасида аҳоли турмуш даражасининг бутунлай пасайиб кетишининг олдини олишга муваффақ бўлинди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқ қилинаётган мавзунинг ўрганилганлик даражаси, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб малум даражада очиб берилганини кўриш мумкин. Масала нафақат илм олами балки, сиёсатчилар, иқтисодчилар, ижтимоий фан намоёндалари томонидан ҳам кенг ўрганилган. Адабиётлар рўйхатида келтирилган асарлар мавжут китобларнинг бир бўлагини ташкил этади. Президентимиз асарларида келтирилган фикрлар нафақат масалани очиб берибгина қолмай уни ўрганишда ҳам катта манбаадир.

Мавзунинг объекти ва предмети. Республикада бозор муносабатларига ўтиш ижтимоий кўрсаткичларнинг ёмонлашувига олиб келмади, балки айрим кўрсаткичлар бўйича ҳатто ўсиш кўзга ташланди. Аҳолининг даромадлар кўрсаткичлари бўйича кескин табақаланиш юз бермади - аҳоли даромадларининг табақаланиш коэффиценти МДХнинг кўп мамлакатларидан, масалан, Россия, Қозоғистон,

¹И.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон. 1997. 217-6.

Қирғизистон кабилардан кам бўмади.²

Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар фуқароларга ўзини ва ўз оиласини турмуш даражасини муносиб таъминлаш учун ҳақиқий шароитларни ва имкониятлар яратиб берди. Бугунги кунда истеъмол бозоридаги ялпи тақчиллик бутунлай бартараф этилган, уй-жой ва истеъмол хизматлари бозори фаол ривожланмоқда, меҳнат фаолиятининг турлари ва шакллари танлаш ранг-баранглашди, фуқароларга қўшимча даромадлар топишга имкон берувчи ўзини ўзи банд қилиш учун имкониятлар кенгайди.

Мавзунинг амалий ва илмий янгилиги. Мустақиллик йиллари мобайнида республикада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилди, ўтиш даври шароитларида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва унга ёрдам кўрсатиш бўйича давлат томонидан кафолатлар ва имтиёزلарни таъминловчи механизмлар шакллантирилди.

Мавзунинг мақсад ва вазифаси.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш

механизми -

- а) фуқароларнинг Конституция ва қонунлар билан кафолатланган ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминловчи меъёрий ва институционал асосларни;
- б) аҳолининг "ўзини ўзи ижтимоий ҳимоя қилиш" салоҳиятини фаоллаштириш учун шароитлар ва амалий механизмни;
- в) объектив шароитлар оқибатида бозор муносабатларида фаол иштирок этишга имконияти бўлмаган, аҳолининг айрим табақалари ва тоифаларини аниқ қўллаб, манзилли ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш учун меъёрий, институционал ва ресурс асосларни яратишга йўналтирилган.

²Убайдуллаева Р.А. Сильная социальная политика и развитие систем социальных гарантий. Общество и экономика-1998. - №3.133-6.

Жамиятнинг асоси сифатида оилага ва ҳар бир кишининг фаровонлигига, кўрилаётган чора-тадбирларнинг мақсадлилиги ва манзиллилигига қаратилганлик аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ўзаги бўлди. Ўзбекистонда шаклланган оилани ижтимоий ҳимоя қилиш тизими аҳолининг, кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг даромадларини самарали ҳимоя қилишни таъминлади.

Мавзунинг илмий янгилиги: Бозор ислохотларини амалга ошириш жараёнида давлатнинг ижтимоий соҳадаги асосий стратегик мақсадлари, аввало:

- оиланинг, ҳар бир кишининг ҳаёт сифати ва фаровонлигини яхшилашга;

- ҳар бир кишининг ўзини ифодалаши, ўз имконият ва қобилиятларини намоён қилиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга;

- давлатнинг мададига муҳтож оилаларни ва аҳоли тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга;

- оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун, ёш авлоднинг ҳар томонлама ривожланиши учун ишончли манбаларни таъминлашга;

- ўз ҳаётини жамият фаровонлиги йўлида меҳнатга бахшида этган кекса авлод, нафақахўрлар ҳақидаги ғамхўрликни кучайтиришга қаратилди.

Шундай қилиб, айнан ана шу йўналишлар ўтиш давридаги ижтимоий сиёсат моҳиятини, республикадаги ислохотларнинг кейинги стратегиясини белгилаб беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда барча фуқаролар учун ишончли ижтимоий кафолатларни яратиш ва доимий равишда аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлашда манзилийликни таъминлаш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини сифатли ривожлантириш учун барча зарур иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар юзага келди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш ҳамда доимий равишда аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлиги ўсишининг тамойилларини

мустаҳкамлаш бўйича кенг миқёсли давлат сиёсатини бундан кейин ҳам амалга ошириш 2007 йилни "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилишга олиб келди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга, манзилийликни оширишга, аҳолининг муҳтож табақаларига ва оилага, ногиронлар ва ёлғиз қарияларга кўрсатиладиган ёрдамни табақалаштиришга ва унинг самарадорлигини оширишга, аҳоли даромадлари даражасида кескин қутблашишга йўл қўймасликка, жамиятда ўзаро тушуниш, эзгулик ва меҳр-шавқат муҳитини сақлашга қаратилган “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастури тўғрисида” ги Қарори катта аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони ислохотлар йўлининг мантиқий давоми бўлади, унда аҳолини муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда манзилийликни ва табақалаштирилган ёндашувни янада кучайтириш назарда тутилган.

Ишнинг тузилиши. ушбу битирув малакавий иш, кириш, Асосий кисим

(2 боб, 4 бўлимдан) Хулоса, ва фойдаланилган адабиётлар, иборат.

1 боб. Кучли ижтимоий сиёсат – “�збек модели”нинг таркибий қисми сифатида.

1.1-бўлим. Ислом Каримовнинг “�збек модели” концепцияси тизимининг мазмун моҳияти

Ҳар бир халқ ёки давлат тараққиётининг тарихида бир сифат ҳолатидан бошқа, қоида тариқасида, юқори сифат ҳолатига ўтиш давлари юз беради. Ўтиш даврида (тоталитаризмдан, демократияга) ҳамма мамлакатлар учун унинг мақсадлари умумий ҳисобланади, ҳар бир мамлакат ва халқнинг, унинг тарихининг, анъаналарининг, одатлари, маданияти, ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш даражасининг бутун ўзига хослигини акс эттирувчи ўтиш йўллари алоҳида ҳисобланади.¹

Ҳар қандай ўтиш ўзида ижобий ва салбий ҳолатларни мужассамлаштиради. Иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани ислоҳ қилишгача бўлган масалалар доирасини торайтириб, таъкидлаш керакки, барча мамлакатлар ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг кенг миқёсли ва етарлича кескин муаммосига тўқнаш келадилар. Унинг миқёслари ва мураккаблиги мамлакатнинг бозор муносабатларига ўтишининг аниқ шарт-шароитлари билан белгиланади.

Ўзбекистон учун бу давр тоталитар тузумдан "мерос" қолган иқтисодиётнинг бир томонлама хомашё ишлаб чиқаришга йўналганлиги, хўжалик алоқаларининг узилганлиги, айниқса тузилмавий ишсизликнинг катта миқёси, хизматлар кўрсатиш соҳасининг етарлича ривожланмаганлиги, бозор инфра тузилмасининг йўқлиги туфайли мураккаблашди.

Масалан, Собиқ Иттифоқнинг сўнгги йилларида Ўзбекистон аҳолисининг ўртача жон бошига пул даромадлари қарийб ярмига камайди. Минтақалар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ўртасидаги аҳоли даромадлари даражаларида кескин

¹Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётининг асосий тамойиллари. Т.:Ўзбекистон.1995.

тафовут кузатилди. Бу даврда аҳолининг децил табақаланиш коэффиценти 7,6-11,6 марта доирасида ўзгариб турди.

Шуни олдиндан айтиш керакки, бу нафақат бозорга ўтиш, балки Ўзбекистонни бошқа республикалар ва умуман собиқ Иттифоқ билан қиёслаганда, турмуш даражасида тарихан шаклланган қолоқлик натижасидир.

Мисол учун, собиқ Иттифоқнинг сўнгги йилларида республикада аҳоли жон бошига истеъмол даражаси Иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткичнинг 50-60 фоизини ташкил этарди.

Табиийки, мана шундай дастлабки асосга эга бўлган Ўзбекистон амалда биринчи марта камбағаллик туфайли вужудга келган йирик миқёсли ижтимоий муаммога дуч келди. Айнан шу туфайли дастлабки босқичда давлат ижтимоий сиёсати, ижтимоий кескинликни юмшатишдан иборат тактик мақсадлардан келиб чиқиб шакллантирилди ва амалга оширилди. Даромадларни индексациялаш, озиқ-овқат таварларини меъёрлаштирилган ҳолда сотиш ва ҳоказолар бунинг мисолидир. Республикада бу тадбирларни ҳаётга жорий этиш, бош муаммони ҳал қилишга - мамлакатда сиёсий барқарорликни таъминлашга имкон берди. Бу ислохотларнинг кейинги босқичларига тайёргарлик кўриш ва хорижий инвесторларни жалб қилиш учун ўта муҳим эди.

Жамиятнинг ижтимоий табақаланиши жараёни ривожлангани сари бу сиёсат ўз салоҳиятини сарфлаб бўлди, чунки унинг меваларидан камбағаллар ҳам, бойлар ҳам, тенг даражада фойдаландилар, бюджет эса жуда катта ижтимоий оғирликни ҳис қилди. "Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш" тушунчасини ҳамда дунёнинг ривожланган мамакатлари учун хос бўлган унинг манзилли-мақсадли йўналишига ўтиш механизмини жорий қилишнинг кескин зарурати туғилди.

Қайд қилиш керакки, бозор ислохотлари чуқурлашгани сари ижтимоий масала иқтисодиётга кўпроқ таъсир қила бошлади. Жамият барқарорлигининг асоси сифатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш функцияси шу билан олдиндан белгиланди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш қонун билан ёки бошқача тарзда ўрнатилган ижтимоий ҳимоя, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ёрдам, шаклларида амалга ошириладиган кафолатлардан иборатдир.

Кенг маънода ижтимоий ҳимоя - инсоннинг яшаш жойи, миллати, жинси, ёшидан қатъий назар, унинг конституцион ҳуқуқларини ва минимал кафолатларни таъминлаш бўйича давлат сиёсатидир. Шахснинг барча конституцион ҳуқуқлари ва эркинликлари - мулк ҳуқуқи ва тадбиркорлик эркинлигидан шахсий дахлсизлик ва экологик хавфсизликкача, ижтимоий ҳимояга муҳтождир.¹

Торрқ маъносида ижтимоий ҳимоя тушунчаси, инсоннинг ҳаёт даражаси, эҳтиёжларини қондириш, соҳаларидаги ҳуқуқлари ва кафолатларни; ҳаёт кечиришга етарли энг кам маблағга эга бўлиш, меҳнат қилиш, дам олиш, ишсизликдан ҳимояланиш, саломатликни асраш ва уй-жойга эга бўлиш, кексайганда, касалликда ва боқувчисини йўқотганда, бола тарбиялашда ижтимоий таъминланиш ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат амалга оширадиган сиёсатни англатади.

Мураккаб ҳаётий вазиятда инсонга аниқ зарур ёрдам кўрсатиш ижтимоий ҳимоянинг бош мақсадидир.

Ўзбекистон Республикасида қуйидаги кишилар биринчи навбатда ижтимоий ҳимояга муҳтождир:

-кекса ёшли фуқаролар, айниқса сўққабош ва якка, ўзи яшовчи (жумладан, якка эр-хотинлар) кексалар;

-иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари;

- ногиронлар, шу жумладан, болаликдан ногиронлар, ногирон болалар;

- ҳарбий хизмат ногиронлари;

¹Одегов Ю.Г. и др. Социально-защитная функция государства и её реализация в рыночной экономике//Сборник научных трудов.-Т: Филиал РЭА им. Г.В. Плеханова в г. Ташкенте,2007, с.б.

- етим болалар;
- девиант хулқли болалар;
- ногирон болалар, етим болалар, ичкиликбозлар ва гиёҳвандлар яшаётган оилалар;
- кам таъминланган оилалар;
- кўп болали оилалар;
- ёлғиз оналар;
- ёш оилалар, талабаларнинг оилалари;
- ИИТ инфекциясини юқтирган ва ОИТС билан касалланган фуқаролар;
- имконияти чекланган шахслар;
- маълум турар-жойга эга бўлмаган шахслар.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш - бу асосан иқтисодий фаол аҳолига тегишли ва ёлланма ходимларнинг ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлашга имкон берувчи шарт-шароитларни яратишга қаратилган тадбирлар тизимидир.

Ҳозирги кунда мамлакатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга жумладан, ижтимоий ёрдамга - барча аҳолига тегишли ва қўшимча пул маблағларини талаб қилувчи қийин ҳаётий вазиятларга тушиб қолган кишиларга ёрдамни ифодаловчи манзилли-мақсадли чора-тадбирларга асосий урғу берилмоқда .

Ижтимоий ҳимоянинг манбалари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- давлат бюджетига тўланадиган солиқлар;
- мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси бадаллари;
- хусусий маблағлар - корхоналар ва ташкилотларнинг ижтимоий эҳтиёжларга харажатлари, хусусий хайриялари.

Ижтимоий ҳимоянинг янги тизими аҳолининг турли табақаларига табақалаштирилган ёндашувдан иборатдир. Ижтимоий ҳимояга ажратиладиган маблағлар ҳақиқатдан ҳам ёрдамга ва моддий мададга муҳтож

аниқ шахсга, ёки оилага йўналтирилади. Манзилли ижтимоий ҳимоя асосан, кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларни қамраб олади ҳамда нафақалар, болаларга тўловларнинг турлари ва шакллари бир хиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий ҳимоялашнинг ҳозирги тизими давлат молиялаштириш манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари ва хайрия ташкилотларининг маблағларини ҳам ўз ичига олади.

Ҳукуматнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш дастурларини амалга ошириш бўйича махсус қарорлари билан маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳуқуқлари анча кенгайтирилди, масъулияти оширилди. Ҳокимликлар, маҳалла қўмиталари минтақаларнинг имкониятларини ҳисобга олиб, аҳолининг муҳтож табақалари учун умумдавлат кафолатларини амалга оширишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар. Республиканинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, Давлатнинг ижтимоий қўллаб-қувватлашини ҳар бир конкрет муҳтож кишига етказишга имкон берувчи ижтимоий ҳимоя механизми аниқ-равшан қилиб белгиланди.

Шу билан бирга, бозор муносабатларига ўтиш, товарлар ва хизматлар нархининг ошиши муносабати қайд қилинган даромадга эга бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича чораларни ишлаб чиқиш зарур эди (педагоглар, врачлар ва бошқалар). Ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш дастури ҳаддан ташқари камбағаллик ва қашшоқликка, кескин ижтимоий табақаланишга йўл қўймасликни назарда тутди.

Турли ижтимоий гуруҳлар даромадларидаги кескин табақаланишни қисқартириш учун давлат томонидан тартибга солишдан фойдаланилади. Давлат аҳолининг ижтимоий муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлашдан бир неча сабабга кўра манфаатдордир:

-ўзини цивилизациялашган деб эълон қилган давлат инсонпарварлик ғояларига амал қилиб, Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясига амал

килиб, "аҳолини муносиб турмуш тарзи билан таъминлайди":

- давлат малакали ишчи кучини кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришдан манфаатдордир;

- кам таъминланганларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, аҳоли турли гуруҳлари ва қатламларининг иқтисодий ҳолатини яхшилайти, бу жамиятдаги ижтимоий кескинликни камайтиради, айнан:

- ягона тариф сеткасининг қўлланиши ва турли тоифадаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларининг энг кам иш ҳақи миқдори билан боғлиқлиги;

- корхоналар меҳнат ҳақи тўлашга йўналтирадиган маблағларнинг бошқарилиши;

- жисмоний шахслар даромадларининг, улар даражасининг ўсишига қараб солиққа тортилиши.

Конституция (Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни), Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқии асоси бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси президентининг "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли Қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида"ги фармонида (2002 йил январь) аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ҳамда бунда оиланинг, хотин-қизларнинг, маҳалланинг, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳомийлик

ташкилотлари ва жамғармаларнинг асосий вазифалари белгилаб берилган. фармон қоидалари ҳозирги босқичдаги Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш Миллий дастурига асос бўлди, унда қуйидаги йўналишлар белгиланган:

- пенсия тизимини такомиллаштириш, аста-секин жамғариш тизимини жорий қилиш;

- кекса кишилар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, улар учун

кулай ҳаётий шароитлар яратиш, коммунал, транспорт ва тиббий соҳалар хизматларининг айрим турлари бўйича имтиёзлар бериш;

-оналар тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний соғлом болаларни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

-мактаб ёшидаги болаларни бошланғич синфлар учун бепул дарсликлар бериш, арзон дарсликлар ва мактаб ашёлари билан таъминлаш йўли билан ҳар томонлама ҳимоя қилиш;

-етим болалар ва меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчиларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, уларни бепул озиқ-овқат, кийим-кечак, пойафзал ва умумтаълим мактабидаги бутун ўқиш даври мобайнида бошқа зарур ашёлар билан таъминлаш;

-меҳнатга яроқли аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш, меҳнат ресурсларининг йиллик ўсишига мувофиқ кичик корхоналар, қишлоқдаги фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил қилиш, касаначиликни, оилавий ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосида қўшимча иш ўринлари жорий қилиб, ишсизликни қисқартириш;

-болалар муассасалари, мактаблар, соғлиқни сақлаш, маданият ва болаларнинг дам олиш объектлари қурилишида муҳтож бўлганларга ёрдам курсатиш учун давлат бюджети маблағларини кўпайтириш ва бунда ҳолисона маблағ ажратаётган нодавлат жамғармалари, корхоналар, жамоат ташкилотлари, ҳомийлардан кенг фойдаланиш;

-аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ташкил этишдаги бош бўғин сифатида маҳалланинг мавқеини кучайтириш.

Инсонларга хос "яхшилик", "ҳамдардлик", "бирга азият чекиш", "ўзгалар ғамига шерик бўлиш" каби категориялар, тушунчалар, хусусиятлар мавжуд. Инсон махлуқотдан ақлининг борлиги билан тафовутланади деб қабул қилинган. Аммо, бундан ташқари, олий мавжудот сифатида инсон учун яқин кишисига муҳаббат кам аҳамиятга эга эмас. Дунёдаги энг олийжаноб ва

эътиборли одамлар шуни таъкидлашганки, инсон бахти қанчалик кўп одамларни бахтли қилишда, олгандан кўра берган мароқлироқ эканлигини ҳис қилишда мужассамдир.

Ваҳоланки, социалистик шиорларда эълон қилинган "инсон инсонга - дўст, ўртоқ ва биродар" каби даъватлар расмий чақириқдан бошқа нарса эмас эди. Натижада жамиятда бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш давлатнинг муаммоси, ҳар бир киши эса фақат ўзи, ўз оиласи, ўз яқинлари ва қариндошлари ҳақида ғамхўрлик қилиши керак деган ишонч шаклланди. Аммо бу эзгулик, ўзаро ёрдам умуман муомаладан олинганлигини англатмайди. Ҳар нарсани юракка яқин оладиган кишилар исталган жамиятда ҳамиша бўлган ва шундай бўлиб қолган, меҳр-шафқат кўпгина ҳаётий вазиятларда намоён бўлган. Халқимизга хос бўлган, унинг менталитети, удумлари ва анъаналарига сингиб кетган ижтимоий ахлоқ шундай бўлган ва шундай бўлиб қолади.

Шу қондани яхши ўзлаштириш жоизки, ҳеч бир давлат ўз-ўзидан қонунлар, маблағлар ажратиш, ижтимоий ёрдамнинг давлат шакллари кўрсатиш, билангина аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммоларини ҳал қила олмайди. Ҳамиша расман қонунлаштирилган, мажбурий давлат ёрдами кўрсатиладиган чегара чизиғи ортида минглаб одамлар қолиб кетади, уларга фақат бу кулфат билан бевосита тўқнашган, қашшоқларга, муҳтожларга меҳр кўрсатадиган, уларга нима кераклигини ҳаммадан кўпроқ чуқур тушунишга лаёқатли яқин кишигина самарали ёрдам кўрсатишга қодирдир.

Шунинг учун ҳам одамларнинг бир-бирига, қалб амрига кўра пулми, буюмми, хизматми, маслаҳатми, ғамхўрликми ё даволаш, овутиш биланми беғараз, қўлдан келгунча кўрсатадиган ёрдамида намоён бўладиган ижтимоий хайрия - инсонийликнинг, виждонийликнинг энг ёрқин белгилари сифатида "Ҳомийлик тўғрисида"ги Қонунга асос бўлиб кирди. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 январдаги "Ҳомийлар ва шифокорлар йили давлат дастури тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ қабул қилинган ва ҳомийлик фаолиятининг қонуний асосларини ишлаб чиқишга

қаратилган.¹ Қонун хайрия фаолияти тизимини ривожлантиришни таъминлайдиган зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратиш ҳамда иқтисодий ва молиявий механизмларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон халқи томонидан унинг миллий руҳиятига хос меҳр-шафқат, бағрикенглик, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш каби хусусиятларини кенг намоён қилиш учун янги имкониятларни очишга имкон берди.

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида информацион ахборот//Солиқ ва божхона хабарлари. “Норма” иловаси – 2007 йил 3 апрель.

1.2-бўлим. Кучли ижтимоий сиёсат тамойилини назарий амалий ҳуқуқий ва ижтимоий асослари.

Ўзбекистонда бозор ислохотларининг чуқурлашиши шароитида давлат ижтимоий сиёсат, ижтимоий ишнинг асосий субъекти сифатида ижтимоий ҳимоянинг бош вазифасини ўз зиммасига олмоқда.

Асосий ижтимоий кафолатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган ва Ўзбекистонда ўтказилаётган ижтимоий сиёсатда ўз тасдиғини топмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунида белгиланганки, Ўзбекистон Республикасида кишиларнинг меҳнати ва саломатлиги қўриқланади, меҳнатга энг кам иш ҳақининг кафолатли миқдорини тўлаш белгиланади, оилани, оналикни, оталик ва болаликни, ногиронлар ва кекса фуқароларни доимий қўллаб-қувватлаш таъминланади, ижтимоий хизматлар тизими ривожлантирилади, давлат пенсиялари, нафақалар ва ижтимоий ҳимоянинг бошқа кафолатлари ўрнатилади.

Ўзбекистонда бозор ислохотларининг биринчи йилларида фуқароларнинг ва оилаларнинг айрим тоифалари учун белгиланган кафолатлар ва имтиёзлар тизими яратилди, унга қуйидагилар киради:

- бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш бўйича нафақа;
- ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, у иш жойидан 126 календар кунга ўртача иш ҳақи миқдорида берилади;
- бола туғилганда энг кам иш ҳақининг икки бараварига тенг миқдорда бир марта бериладиган нафақа;
- 16 ёшгача бўлган ногирон болани парваришлаш бўйича нафақа;
- квартира ҳақи тўлашдан тўла озод қилиш ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича 50 фоиз миқдорида имтиёзлар (ногиронларнинг оилалари);
- кўп болали оилаларни (16 ёшгача бўлган беш ва ундан кўп болали), ногиронларнинг оилаларини йер солиғи тўлашдан озод қилиш;

- кам таъминланган оилаларни ва болали оилаларни, уларга доимий пул нафақалари бериш шаклида манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- вақтинча ишсиз қолган шахсларни моддий қўллаб-қувватлаш;
- айрим тоифадаги фуқаролар ва оилалар учун белгиланган нафақалар, кафолатлар ва имтиёзлар тизими;
- ягона тариф сеткасидан фойдаланиш ва турли тоифадаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини энг кам иш ҳақи миқдори билан боғлаш;
- корхоналар меҳнатга ҳақ тўлашга йўналтирган маблағларни тартибга солиш;
- жисмоний шахсларнинг даромадларини уларнинг ўсиш даражасига мос тарзда солиққа тортиш.

Ҳозирги босқичда давлат ижтимоий ҳимоя тизимида икки асосий функция кўзга ташланади: ижтимоий тўловлар ва жамиятнинг ижтимоий муҳтож аъзоларига давлатнинг ғамхўрлиги ва ижтимоий хайрия принципига асосланган ёлғиз, кекса, ногирон ва бошқа шу тоифадаги кишиларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими.

Айни вақтда ижтимоий ҳимоя ижтимоий кафолатлар тизими орқали аҳолининг барча тоифаларига жорий қилинади.

Ижтимоий кафолатлар - бу давлатнинг фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган, қонунда кўзда тутилган мажбуриятлари, узоқ муддат амал қилувчи механизмдир. Минимал ижтимоий кафолатлар давлат ижтимоий кафолатларининг асоси ҳисобланади.

Минимал ижтимоий кафолатлар - бу Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган меъёрлар ва нормативлар бўлиб, улар ижтимоий ҳимоянинг энг кам даражасини мустаҳкамлайди. Давлатнинг минимал кафолатлар тизимини давлатнинг қуйидаги соҳалардаги ўзаро боғланган минимал ижтимоий кафолатларини ташкил этади:

- 1) меҳнатга ҳақ тўлаш;
- 2) ижтимоий таъминот;
- 3) таълим;
- 4) соғлиқни сақлаш;
- 5) ижтимоий хизмат кўрсатиш;
- 6) уй-жой, коммунал соҳада хизмат кўрсатиш.

Давлат минимал кафолатлари - энг зарур минимал ижтимоий кафолатлардир. Давлат барча поғонадаги ижроия ҳокимият учун, шунингдек, нафақат давлат, балки барча мулкчилик шаклидаги иш берувчилар ва тадбиркорлар учун уларни таъминлашни шарт қилиб қўяди.

Давлат кафолатларининг минимал чегаралари бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шу жумладан, Фуқаролик ва Меҳнат кодекслари, "Аҳолининг бандлиги тўғрисида", "Фуқаролар саломатлигини қўриқлаш тўғрисида", "Таълим тўғрисида", "Ижтимоий хизмат кўрсатиш тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар билан тасдиқланади.

Меҳнатга иш ҳақи тўлаш соҳасида давлат минимал кафолатлари сифатида қуйидагилар белгиланади:

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг минимал миқдори;
- бюджет соҳаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси (ЯТС).

Энг кам иш ҳақи - унга қайта ишлаб чиқаришга нормал шароитларни таъминлайдиган ходимнинг малакасиз меҳнати учун иш ҳақи даражаси. У қонун ёки махсус келишув билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд этилганидек, "ҳар бир киши меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли меҳнат шароитларига ва қонунчиликда белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир".

Меҳнатга энг кам ҳақ тўлаш миқдори кафолатланган мазмунга эгадир. У шундай ифодаланадики, ишловчилар меҳнат учун маълум ойлик даражасида иш ҳақи олишга даъвогарлик қилишлари мумкин. Бу даража, агар иш вақти

нормаси ва меҳнат нормаси ходимнинг айбисиз бажарилмаган бўлса, қисқартирилмайди. Меҳнатга энг кам ҳақ тўлаш миқдориға қўшимчалар ва устамалар, шунингдек, мукофотлар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар қирмайди. Улар иш ҳақиға қўшилади, у давлат белгиланган энг оз даражадан паст бўлиши мумкин эмас. Корхонанинг ўзининг барча ходимларига энг кам иш ҳақини тўлай олмаслиги банкротликнинг белгиларидан бири ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, ўн йил мобайнида (1996 йидда манзилли ҳимоя қилиш дастури жорий қилинган) Ўзбекистонда энг кам иш ҳақи миқдори 250 сўмдан (1996 йил) 12420 сўмгача (2006 йил), яъни 50 марта ўсди, турли тоифадаги ходимлар иш ҳақи миқдорларини унинг энг кам миқдори билан боғловчи ягона тариф сеткаси жорий қилинди; корхоналарнинг меҳнатға ҳақ тўлашға йўналтирадиган маблағлари, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти натижаларига боғлиқ равишда тартибға солинди; жисмоний шахсларнинг даромадларини, улар даражасининг ўсишиға қараб, солиққа тортиш камайди.¹

Иш ҳақининг иқтисодий функцияси тикланмас экан, меҳнат соҳасидаги минимал ижтимоий кафолатлар ҳақиқий бўлмайди. Бу ижтимоий ҳимоя нуқтаи назаридан муҳимдир, чунки иш ҳақи нафақат иқтисодий тушунча, балки инсоннинг жамиятдаги маълум ижтимоий мақомийи таъминловчи ахлоқий тушунча ҳамдир.

Хорижий мамлакатларда минимал иш ҳақини белгилаш ва уни қайта кўриб чиқиш механизми сезиларли даражада фарқ қилади. Айрим мамлакатларда (АҚШ, Франция, Испания, Нидерландия) энг кам иш ҳақи қонун билан белгиланади; айримларида (Бельгия, Греция) ҳукумат, касаба уюшмалари ва тадбиркорларнинг умуммиллий келишуви натижасида белгиланади; айримларида (Италия, Германия, Буюк Британия) тармоқдаги энг кам иш ҳақи миқдорлари белгиланади, умуммиллий минимал иш ҳақи мавжуд эмас.

Ишсизликдан ҳимояланишға кафолатлар минимал ижтимоий

¹ Абдурахманов К.Х., Шарифуллина Т.А. Экономика и социология труда: Уч.пос.- М.: РЭА им. Г.В.Плеханова, 2002. 157-б.

кафолатларнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Бу муаммони ҳал қилишнинг икки томони бор: энг юқори бандлик учун иқтисодий шарт-шароитлар яратиш ва аҳолининг ўз бандлиги, бир томондан, ҳамда давлатнинг қўллаб-қувватлаши - иккинчи томондан.

Ўзбекистонда ҳар йили қабул қилинаётган, бандликка мадад берувчи давлат дастурлари, шунингдек, иш ўринларини яратиш бўйича мақсадли

дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда қўйидаги тадбирларни рўёбга чиқариш ишсизлик даражасини қисқартиришга қаратилган:

- катта инвестицияларни талаб қилмайдиган кичик ва ўрта тадбиркорликни, оилавий ва касаначилик меҳнатини қўллаб-қувватлаш;
- бандлик хизматларида ҳисобда турган кишилардан жамоат ишларида янада самарали фойдаланиш;
- қисқартириладиган ходимларнинг, улар билан меҳнат шартномасини бекор қилмасдан, малакасини ўзгартириш асосида ишсизликнинг олдини олиш;
- минтақаларда бандликка ёрдам берувчи хусусий бюролар тармоғини кенгайтириш;
- оилани қўшимча даромадлар билан таъминлаш учун айрим фуқароларни, янги иш ўринлари барпо этиш мажбурияти остида инвесторларни ер участкалари билан иложи борица тўла таъминлаш.

Бандликни бошқариш - 1992 йил 13 январдаги "Аҳолининг бандлиги тўғрисида"ги Қонун билан белгиланган ижтимоий сиёсатнинг бош йўналишларидан биридир. Унинг янги таҳрири 1998 йил 22 майда қабул қилинган. Бадаллар тарифи 1992 йилда иш ҳақи фондининг 2,0 фоизи, 2001-2004 йилларда 1,5 фоизи, 2004 йилда 0,9 фоизи, 2005 йилда 0,5фоизи ва 2006 йилда 0,3 фоизи миқдорида тасдиқланди.¹

Қонунга мувофиқ, йўқотилган иш ҳақини ишсизлик нафақаси билан

¹ Журнал Налогоплательщика. 2007. №1(1). 25-б.

қоплаш даражаси ходимнинг бўшатилишдан аввалги иш ҳақининг 45 дан 75 фоизигача атрофида, агар у ишсиз деб эътироф этилишидан олдин кейинги 12 ой мобайнида ишламаган бўлса, меҳнатга энг кам иш ҳақи тўлаш миқдорида бўлади. Ишсизлик даври қанча узоқ бўлса, йўқотилган иш ҳақини қоплаш даражаси шунча кам бўлади, иқтисодий йўқотиш қанча кўп бўлса, ишсизнинг ва унинг oilасининг моддий аҳволи шунча ёмонлашади. Давлат ишсизларга қуйидагиларни кафолатлайди:

- ишсизлик нафақаси тўлаш;
- бандлик хизматлари йўлланмаси билан касбий тайёргарлик, малакани ошириш, қайта тайёргарлик даврида стипендиялар тўлаш;
- ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имконияти;
- бандлик хизматлари таклифи билан ишга жойлашиш учун бошқа жойга ихтиёрий кўчиб бориш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;
- вақтинча ишга яроқсизлик даврида 12 ойдан кўп бўлмаган вақт мобайнида бандлик жамғармаси маблағлари ҳисобидан тегашли ишсизлик нафақаси миқдорида ҳақ тўлаш.

Ишсизлик ижтимоий нотенгликни кучайтириб, фуқаронинг ижтимоий мақомини пасайтириб, оғир аксил ижтимоий оқибатларга олиб келади. Социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, ишсизлик (айниқса узоқ муддатли) одамларда келажакка ишончсизлик уйғотади ва руҳий-асаб ҳамда юрак-қон томир хасталикларининг кўпайишига, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик ва жиноятчиликнинг ўсишига олиб келади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ҳузуридаги давлат бандлик жамғармаси ишсизлик бўйича суғуртани амалга оширади ва бу сиёсатни амалга оширишни таъминловчи энг муҳим молиявий механизмлардан биридир.

Ишсизлик бўйича суғурта ишни йўқотиш ёки ишга жойлаша олмаслик бўйича пайдо бўладиган таваккални қоплайди. Унинг тизимида республика, вилоят, шаҳар ва туман жамғармалари киради. Барча ишга яроқли фуқаролар ишсизликдан давлат суғуртаси бўйича суғурталанган ҳисобланадилар. Бунда

бандлик хизматида расман ишсиз мақомини олганлар ижтимоий кафолатларга эга бўладилар. Ишсизлик нафақаси ўртача иш ҳақиға фоиз нисбатида белгиланади.

Ҳар йили республикада меҳнат ва ижтимоий ҳимоя органлари 400-500 минг кишиға ишға жойлашишға ёрдам беради, бунда уларнинг 14%иға ишсизлик нафақаси тайинланади.

2001-2006 йиллар даврида меҳнат органлари томонидан рўйхатға олинган ишсизлар ўртача қарийб 30-35 минг кишини ташкил қилди. Нафақа олувчиларнинг асосий қисми меҳнат бозорига биринчи марта чиққан ёки узок муддат танаффусдан кейин иш изловчи шахслар бўлганлиги учун нафақанинг ўртача миқдори энг кам иш ҳақининг учдан бирини ташкил қилди. Нафақа миқдорининг унча юқори эмаслиги ва нафақа олувчилар сонининг нисбий камлиги кам таъминланганлик даражасини камайтирадиган бу турдаги ижтимоий ёрдамнинг сезиларли таъсирға эга эмаслигига олиб келади.

Қуйидаги йўллар билан ишсизларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш назарда тутилади:

- ишсизларни ишға тайёрлаш, шу жумладан, бунда жойлардаги касб-хунар коллежлари имкониятларидан фойдаланиш;

- ишсиз фуқароларнинг ҳақ тўланадиган жамоат иишарида, кўпроқ хуудларни ободонлаштириш соҳасида, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, ёлғиз фуқароларға хизмат кўрсатишда иштирокини кенгайтириш;

- иш жойини танланшинг ахборот манбаини кенгайтириш, туман меҳнат,

бандлик ва аҳолинн ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимлари томонидан иш излашни кучайтириш ҳисобидан ишсизларни ишға жойлаштириш жараёнини мақбуллаштириш;

- ишсизларнинг оилаларига иқтисодиётнинг устувор тармоқларида ўз

ишини ташкил этиш учун микрокредитлар бериш.

Ўзбекистон Республикасида 2006 йилда расман рўйхатга олинган ишсизлар сони 25,5 минг кишини ташкил этди ва 2002 йил билан қиёслаганда 58,6 фоизга қисқарди. 2006 йилда қайд қилинган ишсизлик даражаси 0,2 фоизни ташкил этди.¹

Пенсия таъминоти соҳасида давлат ижтимоий кафолатлари сифатида давлат пенсияларининг энг кам миқдорлари белгиланади. Давлат бошқаруви зарур давлат кафолатларини таъминлаш билан боғлиқ пенсия тизимининг муҳим элементларида сақланиб қолади.

Бозор иқтисодиётининг мазкур босқичида амалда бўлган мамлакатдаги пенсия таъминоти "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ амал қилади ва уч турдаги пенсияни назарда тутди; ёш бўйича, ногиронлик бўйича ва боқувчисини йўқотган ҳолларда.

Пенсия қонунчилигига мувофиқ, пенсия тайинлашда қатор жиддий имтйёзлар назарда тутилган. 2005 йилда Ўзбекистонда тўланган пенсиялар турлари тузилмаси қуйидагича бўлган эди:²

- ёш бўйича пенсия - 60,0 фоиз;
- ногиронлик бўйича пенсия - 17,3 фойз;
- боқувчисини йўқатганлик ҳолати бўйича пенсия - 14,1 фоиз;
- қўп йиллик хизматлари учун пенсия -1,1 фоиз;
- ижтимоий пенсиялар - 7,5 фоиз.

Жаҳон амалиётига мувофиқ, пенсия тизимларининг қуйидаги хиллари фарқланади:

- бирдамлик масъулияти тизими, бунда ишловчи авлод олдинги авлодга пенсияларни тўлашни молиялаштиришни таъминлаш учун бадаллар тўлайди;
- жамгашиб бориш тизими, бунда ҳар бир ишловчи ўз меҳнат фаолияти

¹ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2006 г. Ташкент: Госкомстат РУз.2007.47-6.

² Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане. Статсборник. Ташкент:Гаскомстат РУз,2006. 79-б.

мобайнида ўз қарилигини таъминлаш учун маблағ жамғариши керак;

- аралаш пенсия тизими, бирдамлик масъулияти ва жамғариб бориладиган пенсия тизимларининг бирлигини назарда тутди.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимларини ташкил этиш пенсия таъминотини ислоҳ қилишнинг энг самарали йўналишларидан биридир. Аммо улар бирдамлик масъулияти тизими билан муқобил пенсия тизими бўлмаслиги керак, балки амалдаги тизимга қўшимча сифатида ишлаши керак.

Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия тизимини шакллантириш йўллари бўйича биринчи қадамлар қўйилди. 2004 йилда "Фуқароларнинг

жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида" Қонун ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Мамлакатда амалда бўлган пенсия тизими (1-жадвал) бирдамлик масъулияти тизимига хосдир, у қарийб 3,2 млн. кишини ёки мамлакат аҳолисининг 12,3 фоизини қамраб олади. Пенсия жамғармасининг пенсия тўлашга харажатлари ЯИМнинг салкам 7 фоизини ташкил этади.¹

2005 йилда Ўзбекистонда пенсионерларнинг ўртача йиллик сони аввалги йилга қараганда 0,3 фоизга кўпайди. Бунда ёши бўйича пенсионерлар сони 1,1 фоиз ўсди, ногиронлик бўйича пенсия олувчилар сони 1,9 фоизга ва боқувчисини йўқотганлик учун олувчилар сони эса 1,9 фоизга қисқарди.²

Пенсия таъминотининг даражасини белгиловчи боғлиқлик коэффициенти (пенсионерлар сонининг ишловчилар сонига нисбати) ва ўрин алмашиш коэффициенти (ўртача пенсия миқдорининг ўртача иш ҳақиға нисбати) пенсия тизими ҳолатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардир. 2005 йил маълумотларига кўра, бу кўрсаткичлар тегишли равишда 0,3 ва 0,29 фоизни ташкил қилди.

Пенсия тизимида унинг молиявий ҳолати барқарорлигига салбий таъсир

¹ Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане. Статсборник. Ташкент: Госкомстат РЎз. 2006. 78-б.

² Ўша жойда. 79-б.

кўрсатувчи яширин муаммолар йиғилиб келяпти.

Биринчидан, бу муаммолар пенсия имтиёзларининг мавжудлиги билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда имтиёзлилар сони салкам 855,7 минг кишини ёки барча пенсионерларнинг 26,5 фоизини ташкил қилади.¹

Иккинчидан, пенсия тизимининг барқарор ишлашини қўллаб-қувватлаш демографик вазиятдаги ва иқтисодий ривожлантиришдаги ўзгаришларни ҳисобга олувчи узоқ ва қисқа муддатли ҳисоб-китобларни ўтказишни талаб этади.

Учинчидан, ҳозирги вақтда пенсиялар миқдорининг пенсия жамғармасига тўланган бадаллар ҳажмига етарлича боғлиқлиги таъминланмаган.

Тўртинчидан, мажбурий пенсия бадалларининг миқдори нисбатан юқори.

Бешинчидан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ёки бошқа мамлакатларга ишга кетувчи шахслар учун мажбурий бадалларнинг тартибини ва миқдорини белгиловчи қонунчиликнинг номукамаллиги.

Олтинчидан, ишламайдиган шахсларга ижтимоий нафақалар шаклида тўлашда пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик (болалиқдан ногиронларга, 16 ёшгача бўлган ногирон болаларга, ёлғиз кекса фуқароларга).

Мамлакатда пенсия таъминоти соҳасида ўтказилаётган ислохотлар юқорида кўрсатилган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган.

Ўзбекистондаги ижтимоий сиёсат бозор ислохотларининг барча босқичларида ўзига етарлича кенг доирадаги масалаларни қамраб олди, улар ичида таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон - аҳолиси амалда мутлақ саводхонликка эга бўлган давлатдир (99,2%). Аҳоли саводхонлигининг юқори даражаси - мамлакатнинг юксак ютуқларидан биридир. БМТ маълумотларига кўра, Ўзбекистонда катта ёшли аҳолининг

¹ Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане. Статсборник. Ташкент: Госкомстат РУз. 2006. 81-б.

саводхонлиги даражаси, барча даражалардаги ўқув юртларига кирувчилар сонининг умумий кўрсаткичи нафақат инсон салоҳияти ўртача даражада ривожланган мамлакатлар, балки юксак ривожланган мамлакатлардаги бу кўрсаткичларнинг ўртачасидан юқоридир.

Давлат бюджетининг даромадларини шакллантиришдаги мураккаб вазиятга қарамасдан унда таълим учун харажатлар улуши барқарор юксаклигича қолмоқда. 1992 йилдан бошлаб унинг ўсиши яққол кузатилмоқда, бу ўсиш кейинги 15 йил мобайнида сақланиб қолмоқда ва у бугунги кунда давлат бюджети умумий харажатларининг 31,6 фоизини ташкил этади.

2005-2006 ўқув йилида таълим олувчилар сони 7,1 миллион кишидан ортиқни ташкил этди, 1998-1999 ўқув йилида улар сони 6,1 миллион киши эди.

Таълим тизимининг барча даражаларида таҳсил олувчилар сони ҳар 10 минг киши ҳисобига 1995 йилдаги биров пасайишдан кейин (2563 кишигача) оша бошлади ва 2006 йилда 2700 кишига етди.

Аҳоли саводхонлигининг ошиши маълумотлилик даражаси кўрсаткичларнинг ўсиши билан ёнма-ён борди. Агар 2000 йилда ҳар минг кишининг 143таси олий ва тугалланмаган олий маълумотга, 200 нафари ўрта махсус, 485 нафари ўрта умумий ва 150 нафари тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлган бўлса, ҳозирги вақтда бу кўрсаткичлар тегишлича 222, 864, 112 ва 225ни ташкил этади.¹

Республикада касал ва ривожланишдан ортда қолган болаларга таълим бериш муаммоларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда ақлий ёки жисмоний ривожланишда камчиликлари бўлган болалар учун 86 та мактаб, бешта санатория-мактаб ва турли хасталикларга эга бўлган болалар учун 23 та санатория мактаб-интернати фаолият кўрсатмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон барча болалар учун мажбурий таълимнинг зарур даражасини таъминлашга интилмоқда.

¹ Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане. Статсборник. Ташкент: Госкомстат РУз, 2006. 118-6

Болалар ва ўсмирлар учун қўшимча таълим ўсиб келаётган авлодни тарбиялашнинг муҳим бўғини ҳисобланади, шу сабабли, у давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Фақат 2005 йилда Ўзбекистонда 583 мингдан ортиқ ўқувчиларни бирлаштирган 583 та мактабдан ташқари муассасалар фаолият кўрсатди.¹

Ўзбекистонда иқтидорли болалар ва ўқувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати ўтказилмоқда. Истеъдодли ўғил ва қизларни аниқлаш бўйича "Истеъдод", "Камолот", "Улуғбек" каби

махсус марказлар ва жамғармалар тузилди, қобилиятли ёшларнинг етакчи хорижий мамлакатларда ва илмий марказларда ўқиши, малака ошириши ташкил этилди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини, Ўзбекистон республикаси Президентининг 2004 йил 22 майдаги Фармонини бажаришни давом эттириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 9 июлда "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги 135-сон қарор қабул қилди, унга мувофиқ, мактабларни янги асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозлаш, уларни тубдан таъмирлаш ва қайта қуриш амалга оширилади.

Бироқ мактабларни янги асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозлаш, уларни тубдан таъмирлаш ва қайта қуриш "инсон омили"ни ҳисобга олмайди, шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 9 июлда "Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантириш бўйича тажриба ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида"ги 139-сонли қарори қабул қилди.

Шуни қўшимча қилиш керакки, 2006 йилда 61 та янги мактаб фойдаланишга топширилди, 385 та мактаб тубдан қайта қурилди ва 530 та мактаб таъмирланди, 8,7 миллиард сўмлик ва 15 миллион АҚШ доллари

¹Ўша жойда. 138-6.

ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари сотиб олинди. Ўқитувчилар ва умумтаълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг сифат жиҳатдан янги механизмлари жорий килинди. Барча мактабларда ўзини кўрсатган халқ таълими ходимларини рағбатлантириш учун директор жамғармалари тузилди, улар орқали 2006 йилда 190 минг ўқитувчи рағбатлантирилди.¹

Бундай давлат бошқаруви зарур давлат кафолатларини таъминлаш билан боғлиқ таълим тизимининг муҳим элементларида сақланиб қолмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда аҳолининг юқори маълумот даражасига эришилганига қарамасдан, ҳали ўз ечимини кутаётган кўплаб қатор муаммолар мавжуд.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий: ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида, соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда, унинг доирасида меъёрий ҳуқуқий асос мукаммал қилмоқда, тиббий хизматлар бозорида рақобат муҳити тузилмоқда, бирламчи тиббий хизматни бошқариш ва молиялаштириш тизимини ҳамда тиббиёт ходимларининг меҳнاتини моддий рағбатлантиришни мустаҳкамлаш бўйича жиддий чоралар кўрилмоқда. Бу шу билан изоҳланадики, аҳоли саломатлигининг ҳолати нафақат ижтимоий ривожланишнинг, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва гигиеник фаолиятининг инъикоси бўлиб қолмасдан, балки жамиятнинг қудратли иқтисодий, меҳнат, мудофаа ва маданий салоҳиятининг муҳим мезони, фаровонликнинг омили ва таркибий қисмидир.

Аҳоли саломатлиги ҳолатининг асосий мезони бўлмиш кутилаётган умр узунлиги Ўзбекистонда барқарорлигича қолмоқда ва у 72 ёшни ташкил этади.

Кейинги 10 йил мобайнида шаҳарларда яшовчи эркакларнинг кутилаётган умр кўриш узунлиги кўрсаткичи анча ўсди, айти пайтда эса

¹И.А.Каримов. 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотлари чуқурлаштиришнинг муҳим устуворликлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.//Халқ сўзи. – 2007 йил 14 февраль.

МДХнинг кўпгина давлатларида бу кўрсаткич аксил тамойилга эга бўлди.

Республикада хотин-қизлар ва болалар алоҳида эътиборга олинган, Президент ташаббуси билан 1998 йилнинг "Оила йили", 1999 йилнинг "Хотин-қизлар йили", 2000 йилнинг "Соғлом авлод йили" ва 2005 йилнинг "Саломатлик йили" деб эълон қилиниши шундан далолат беради.

Туғиш ёшидаги аёлларни ва болаларни соғломлаштириш бўйича кенг дастурларнинг жорий қилиниши, касалхоналар ва поликлиникаларда болалар ва оналар учун махсус профилактика ҳамда даволаш марказларининг тузилиши ва ишлаши, шунингдек, оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш вазифаларини ҳал қилиш бўйича бошқа кўплаб ҳаётий муҳим чоралар фикримизнинг қўшимча тасдиғидир.

Кейинги йилларда умумий ўлим даражасининг пасайиши тамойили пайдо бўлди, у минг киши ҳисобига 1995 йилдаги 6,4 ўрнига 2005 йилда 5,4ни ташкил этди. Гўдақлар ва оналар ўлими тегишлича 1995 йилдаги 25,5дан 2005 йилда 14,9гача (ҳар 1000 тирик туғилган чақалоққа) ва 48дан 29,2гача (ҳар 100 минг тирик туғилганга) камайди.¹ Умумий ҳасталаниш кўрсаткичининг пасайиши қайд этилмоқда. Айрим юқумли касалликларга қарши курашишда муайян ютуқларга эришилди. Республика аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишнинг асосий ҳажмини молиялаштириш давлат ва маҳаллий бюджетлар, маблағлари ҳисобига амалга оширилишига қарамасдан, бозор механизмларига асосланган соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизими такомиллаштирилмоқда. Жумладан, республика давлат бюджетининг соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришга йўналтирилаётган умумий улуши 2005 йилда 11,6 фоизни ташкил этди.

Молиявий манбаларнинг умумий ҳажмида бюджетдан ташқари манбаларнинг 1998 йилдаги 1,2 миллиард сўмдан 2005 йилда 11,3 миллиард сўмгача ўсиши кузатилди, бу аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ва хусусий секторни ривожлантириш учун қулай муҳитни

¹ Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане. Статсборник. Ташкент: Госкомстат РУз, 2006. 15-6.

шакллантиришга ёрдам берди.

2005 йилда пулли хизматлардан тушган маблағлар улуши бюджетдан ташқари молиявий манбалар умумий ҳажмининг 71,0 фоизини ташкил этди.¹

Қуйидагилар соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг қисқа ва ўрта истикболдаги устувор йўналишлари ҳисобланади:

- соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғими салоҳиятини замонавий тиббий асбоб-ускуналар, транспорт ва алоқа воситалари билан жиҳозлаш, соғлиқни сақлаш мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифатини ошириш йўли билан ривожлантириш;

- санитария-эпидемиология шарт-шароитларини яхшилаш бўйича

мақсадли чоралар мажмуасини амалга ошириш;

- болалар ўлимини камайтириш ва оналикни қўриқлашни яхшилаш;

- юқумли касалликларга қарши курашиш (ВИЧинфекциялар/ОИТС, сил);

- 1000 нафар кўзи ожиз елғиз кексаларни, пенсионерларни ва ногиронларни реабилитация қилиш; Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси марказини замонавий даволаш-диагностика ускуналари билан жиҳозлаш;

- санатория-курорт ва касаба уюшмалари муассасаларида 32 минг нафар

пенсионер, уруш ва меҳнат фахрийлари ва ногиронларини, жумладан, 1100 нафар муҳтож ёлғизларни; 53 минг нафар кам таъминланган ва кўп болали кишиларни, жумладан, 1520 нафарини бепул, 300 нафар Чернобил АЭСидаги фалокатни бартараф этишда иштирок этган кишиларни, "Меҳрибонлик" ва "Саховат" уйларида 120 нафар кишини соғломлаштириш;

- 120 минг нафар ходимнинг, жумладан, 30 минг нафар ногиронлар, ёлғиз қариялар, уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилаларнинг

¹Кадыров А.М., Хайруллаева Т.Г. Влияние социальных факторов человеческого развития на конкурентоспособность национальной экономики.Сборник научных трудов. Т: Филиал им.Г.В.Плеханова в г. Ташкенте.2007.15-б.

аъзоларини жамоа шартномалари ва битимлари орқали соғломлаштиришни ташкил этиш;

-ижтимоий хавфли касалликлардан азият чекувчи беморларни ҳаётий муҳим дори-дармон воситалари билан таъминлаш; болаликдан ногиронларни, етим болаларни, ногиронларни, уруш қатнашчилари ва фронт орти меҳнаткашларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан нафақа олувчи кам таъминланган оилалардан бўлган кишиларни малакали тиббий ёрдамдан баҳраманд этиш¹.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг муҳим функцияларидан бири ижтимоий хизмат кўрсатиш ҳисобланади, бу эса қуйидаги муассасаларда турли хил шаклдаги хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятдир:

- тиббий-ижтимоий муассасаларда;
- махсус уйларда;
- кексаларнинг ўз уйларида.

Аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги "Ижтимоий хизмат кўрсатиш тўғрисида"ги 520-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилдаги "2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги ПҚ-459-сон Қарори билан бошқарилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида ижтимоий хизматларнинг қуйидаги икки тури амал қилади:

- тиббий-санитария муассасаларида (Саховат уйларида);
- кексаларнинг ўз уйларида.

Масалан, ҳозирги пайтда республикада 8 та Саховат уйи фаолият юритмоқда. Кексаларни моддий-маиший таъминлаш, улар учун барча шароитлар ва қулайликлар бўлган шинам уй шароитини яратиш, уларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастури тўғрисида"ги қарори. 2007 й. ПҚ-573-сон.

саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш, яъни даволанишнинг стационар ва амбулатория турларини ўтказиш, ёқимли дам олиш ва бўш вақтни ўтказиш

учун оммавий-маданий тадбирларни ташкил этиш улар фаолиятининг асосини ташкил этади.

Бугунги кунда республикада 31693 нафар ёлғиз кекса кишилар ва ногиронлар қайд этилган, улардан 24616 нафарига уйда ижтимоий хизматлар кўрсатилади. Ҳақиқий меҳрибонликка ва хизматларга муҳтож ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳолати тўғрисида даволаш-профилактика муассасаларининг ҳулосалари бунга асос бўлиб хизмат қилади. Уйда кексаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ижтимоий ҳимоя тизимининг 2,4 минг нафар ходими ишламоқда¹.

Ўзига бириктирилган ёлғиз кекса киши ҳолидан ҳафтасига икки марта хабар олиш ва унинг учун зарур ишларни бажариш (бозорга, дори-дармонга бориш, харид қилиш, идишларни ювиш, кир ювиш, яъни амалий ёрдам, шунингдек, маънавий мадад кўрсатиш) улар фаолиятининг асосий вазифасидир.

Ҳозирги вақтда мазкур тизимда янги махсус ижтимоий технологияларни жорий қилиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда, уларга қуйидагилар киради:

- ёлғизлар учун мулоқот ва дам олишни ўтказиш;
- реабилитация техник воситаларини етказиб бериш манзиллари (ногиронлар учун аравачалар, қўлтиқтаёқлар).

Республика шаҳарлари ва вилоятларида ёлғизларнинг мулоқотини ва дам олишини қўллаб-қувватловчи 190 та марказ ишламоқда. Уларга 9200 нафар ёлғиз кекса пенсионерлар ва ногиронлар жалб қилинган².

1990 йиллар бошларигача аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаси давлат дотациясида бўлган эди ва фақат қисман истеъмолчилар томонидан

¹Абдураманов Х.Х. Усовершенствование социальных услуг пожилым в период перехода на рыночную экономику//Международная научно-практическая конференция “Социально-экономические проблемы переходной экономики”.СПб.,2005.С.466.

²Абдураманов Х.Х. Усовершенствование социальных услуг пожилым в период перехода на рыночную экономику//Международная научно-практическая конференция “Социально-экономические проблемы переходной экономики”.СПб.,2005.С.467.

тўланарди. Ҳозирги вақтда аҳоли томонидан хизматларга тўлаш улуши аста-секин ўсмоқда. Пулли ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини жорий қилишга тўсқинлик қилувчи қатор омиллар аниқланди:

- аҳоли ҳуқуқий онгининг кўп жихатдан маърифий ишларнинг кучсизлиги билан боғлиқ паст даражаси;
- турли ижтимоий хизматлар фаолиятини бўш мувофиқлаштириш;
- жойлардаги ҳокимият органлари фаолиятида ижтимоий соҳага устуворликнинг йўқлиги;
- пулли ижтимоий хизматларни амалга ошириш механизмларининг бўш ишлаб чиқилганлиги;
- аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари моддий-техника асосларининг етарлича эмаслиги;
- пулли ижтимоий хизматларни амалга ошириш шакллари ва турлари бўйича ахборот манбаининг йўқлиги;
- аҳоли ўртасида пулли ижтимоий хизматлар рекламасининг йўқлиги;
- пулли ижтимоий хизматлар тизимини рўёбга чиқариш билан боғлиқ фаолиятни солиққа тортишнинг номукамаллиги.

Шу муносабат билан, катта ёшдаги фуқароларга пулли ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун қуйидагилар зарур:

- катта ёшдаги фуқароларга пулли ижтимоий хизматлар тизимининг ахборот манбаини шакллантириш;
- пулли ижтимоий хизматлар тизимининг ҳолати ва унинг ривожланиш истиқболлари масалалари бўйича жамоатчилик фикри мониторингини ўтказиш;
- пулли асосда кўрсатиладиган, кафолатланган ижтимоий хизматлар рўйхатини мунтазам кенгайтириш, бунда кекса авлодга мансуб фуқароларнинг истеъмол эҳтиёжларини ва тўлов қобилиятини ҳисобга олиш;
- маҳаллий аҳоли ўртасида маърифий ишларни кучайтириш,

бунда ташаббускорлик, ирода, ижодкорлик кўрсатиш;

-ижтимоий ходимлар малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

-кекса авлодга мансуб фуқароларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун ижтимоий ходимларни зарур имкониятлар ва иш шароитлари билан таъминлаш;

-ҳокимият органлари билан мустаҳкам ҳамкорликни, турли даражадаги вакиллик органларининг депутатлари билан ҳамжиҳатликни амалга ошириш.

Кекса ёшдаги фуқаролар ва ногиронлар билан ижтимоий ишда янги самарали усулларни жорий қилиш ҳар бир муҳтожни ижтимоий хизмат билан қамраб олишга имкон беради. Муассасалар тармогини ривожлантириш ва аҳолига янада самарали ёрдам кўрсатиш учун бу ишга нафақат давлат ташкилотларини жалб қилиш, балки оммавий ахборот ва коммуникация воситалари билан яқин ҳамкорлик йўли орқали тижорат тузилмалари ва хайрия жамғармалари билан алоқалар ўрнатиш зарур.

Аҳолига уй-жой бериш ва уни сақлаш учун ажратиш давлат ижтимоий кафолатларининг ўзига хос тури ҳисобланади. Республиканинг бошқа ижтимоий хизматлари каби уй-жой, коммунал хўжалиги ҳам бозор муносабатларига ўтмоқда. Уни ислоҳ қилиш концепцияси аҳолининг ҳимояланмаган гуруҳини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида уй-жойларни сақлашга дотацияларни сақлаб қолишни назарда тутди. Ўзбекистон Республикасининг қабул қилинган Уй-жой кодекси, "Уй-жойларнинг хусусий мулкдорлари ширкатлари тўғрисида"ги Қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўла даражада ишлашига эришиш зарур.

Давлатнинг барча минимал кафолатлари аҳоли турмуш даражасининг давлат стандарти билан белгиланиши керак. "Турмуш даражаси" тушунчаси кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш жараёнини акс эттиради. Бу тушунча мазмунининг тузилмаси эҳтиёжлар мажмуаси тизими ва уларни қондириш воситалари шаклида тақдим этилиш мумкин.

Минимал ижтимоий кафолатлар бозор муносабатлари жамиятидаги

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими асосини ташкил этади. Улар давлат томонидан қонунчиликка ва уларни молиявий таъминлаш имкониятларига мувофиқ белгиланади.

Шундай қилиб, бозор муносабатлари қарор топган жамиятда объектив равишда аҳолининг бир қисми ўзини муносиб ҳаёт билан таъминлашга лаёқатли бўлмайди. Бозор иқтисодиёти жамиятида аҳолининг бундай табақаларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий заруратини бозор қонунлари тақозо этади, унинг моҳиятидан келиб чиқади ва ихтисослаштирилган жамоатчилик тузилмаси сифатида ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантиришини шарт қилиб қўяди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш давлат иқтисодий ва ижтимоий сиёсатининг муҳим таркибий қисмига айланади.

2 боб. Инсон олий қадрият - кучли ижтимоий сиёсатнинг мақсад моҳияти ва механизмлари.

2.1-бўлим. Инсон кадри олий вазифа тамойилининг Мустақил Ўзбекистондаги хусусиятлари ва амалий жиҳатлари.

Республикада амалда бўлган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими оила, айниқса, кўп болали оилага манзилли йўналган, барча ўта муҳтож оилаларни моддий мадад билан қамраб олади.

Ислохотлар ҳаракатланиши ва бозор муносабатлари ривожлангани сари ижтимоий сиёсат устуворликлари ўзгарди, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш механизмлари, нотенглик ва камбағалликни камайтириш шакллари ва усуллари такомиллаштирилди. Натижада чора-тадбирларнинг яхлит бир тизими шаклланди. Аҳолининг турли қатламларига табақалаштирилган ёндашув, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ёрдамнинг мақсадли ва манзиллилиги, уни кўрсатишда давлат билан бирга корхоналар, жамоат ташкилотлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва бошқа нодавлат жамғармаларининг иштирок этиши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш янги тизимига асос бўлди.

Ижтимоий ҳимоя тизими аҳолининг турли гуруҳлари оладиган даромадлар даражасини давлат томонидан бошқариш йўли билан нотенглик кескин ошишининг олдини олади. Бунда кам даромадли, кам таъминланган гуруҳларни моддий қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг юқори даромадли қатламлари даромадларининг юқори даражасини чеклаш учун турли ёндашувлардан фойдаланилмоқда.

Давлат "Аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш" ижтимоий дастурига алоҳида эътибор бермоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, давлат доимо аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг биринчи Фармони 1990 йил 2 майда қабул қилинган "Кўп болали оналарга нафақалар миқдорини ошириш

тўғрисида"ги ПФ-1-сон Фармон бўлиб, у оилани ижтимоий ҳимоялашни

кучайтиришга қаратилган эди. 1999 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2000-2005 йиллардаги ижтимоий ҳимоя дастурини тасдиқлади, ушбу дастур муваффақиятли бажарилди. Бу ҳақда кўйидаги кўрсаткичлар далолат беради: 2006 йилда кексалар ва кам таъминланган оилаларга 5 млрд.сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Маълумки, 2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йиди" деб эълон қилинган эди. Бу ҳаётий муҳим дастурнинг бажарилиши мамлакатимизда ҳеч ким инсонпарварлик ва меҳр-мурувват руҳи билан суғорилган бу хайрли ишдан четда қолмаганлигини яна бир марта яққол намоён этди.

Муҳтож оилаларга моддий ёрдам ва маънавий мадад кўрсатиш бўйича дастурда белгиланган тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга давлат ва нодавлат ташкилотларининг, ҳомийларнинг ёрдамида қорамол сотиб олиш учун 10 млрд. сўм ажратилиши ана шундай кўмакнинг ёрқин намоёйиши бўлди, бу кўплаб оилаларга қўшимча даромад топишга имкон берди. Кўп миллионли ватандошларимиз қатнашган умумхалқ ҳашарларидан тушган маблағлар ҳисобидан 2 минг нафар ёлғиз кексаларга ва 66 та кам таъминланган оилаларга тегишли 3570 минг квадрат метр уй-жой таъмирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 сентябрда қабул қилинган ҳам катта ижтимоий-сиёсий, ҳам маънавий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлган "2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарори бу йўналишдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Гап кекса авлод кишиларига аниқ жиддий ёрдам бериш ҳақида бормоқда. Уларнинг 22 минг нафардан ортиқ вакили уруш қатнашчилари ва ногиронлари, 256 минг нафардан ортиғи фронт орти меҳнатчилари, 30 минг нафари ёлғиз пенсионерлар ва ногиронлар ҳисобланишади. Ҳозиргача бу йўналишда кўп иш қилинган бўлишига қарамасдан, уларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қатор чора ва

тадбирлар режалаштирилган.

Ҳомийлар томонидан "Саховат", "Мурувват", "Меҳрибонлик" уйларидаги 7 минг нафар ёлғиз кекса фуқаролар ва ногиронларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматни ана шундай ғамхўрликка мисол сифатида келтириш мумкин. Ушбу уйлар ва реабилитация марказлари зарур тиббий анжомлар билан жиҳозланмоқда, мурувватга муҳтожларнинг яшаши ва саломатлигини сақлаши учун барча зарур дори-дармонлар, буюмлар билан таъминланмоқда. Ҳар йили 30 минг нафардан ортиқ пенсионерлар ва ногиронлар ҳам маҳаллий санаторияларда, ҳам касаба уюшмаларининг сиҳатгоҳларида ўз саломатликларини тиклаш имконига эгадирлар. 23 мингдан ортиқ ёлғиз ва ногирон бўлган, тиббий-маслаҳат комиссиялари томонидан ёрдамга муҳтож деб топилган ўзбекистонликлар ижтимоий хизматлар билан қамраб олинган, уларга туман меҳнат ва ижтимоий ҳимоя бўлимлари томонидан жалб қилинган "Қизил Ярим Ой" Жамиятининг ҳамширалари ҳам хизмат кўрсатади.

Мамлакатда ногиронларнинг тиббий-санитария реабилитациясига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу йўналиш мамлакатда 2003 йилдан бошлаб ривожланмоқда. Бундай фаолиятнинг самарадорлигидан кўз катаракти натижасида кўриш қобилятини йўқотган қарийб 3 минг кишининг кўриш қобиляти тикланганлиги ҳам далолат бериши мумкин. Биргина 2006 йилда 1400 нафар шундай бемор нормал ҳаётга қайтарилди.

Республикада ногирон болаларга нисбатан алоҳида эътибор шаклланган. Ҳозирги кунда меҳрибонлик уйларида ва "Мурувват" уйларининг болалар ўлимларида 1600 нафар ана шундай болалар яшаяпти ва тиббий-санитария хизматларидан фойдаланаяпти. Шунингдек, уларни спортга фаол жалб қилиш бўйича тадбирлар ўтказилмоқда ва ҳатто параолимпия мусобақалари ташкил этилмоқда, болаларнинг ижодий қобилятлари ривожлантирилмоқда, рассомлар, ҳайкалтарошлар ўртасида турли танловлар уюштирилмоқда.

Ногирон болаларни соғломлаштириш мақсадларида Соғлиқни сақлаш

вазирлигининг, "Соғлом авлод учун" жамғармасининг ташаббуси билан хорижий ҳамкорлар иштирокида туғма нуқсонли болаларда қимматли мураккаб жарроҳлик операциялари амалга оширилди.

Дастур доирасида яна бир ҳаётий муҳим масала ҳал қилинди - жисмоний соғлом, уйғун ривожланган ёш авлодни тарбиялаш бўйича кенг миқёсли амалий ишлар ўтказилди. 2000-2005 йилларда 161 та болалар спорт мажмуалари, жумладан, 18 та янги, 108 та реконструкция қилинган мактаб спорт заллари ва 35 та спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

2006 йилги ёз мавсумида 237 минг нафар болалар республика соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдилар ва саломатликларини мустаҳкамладилар, камтаъминланган оилалардан бўлган бошланғич синфлар ўқувчилари 16 млрд.сўмликдан ортиқ кийим-бош билан таъминландилар. Биринчи синфлар ўқувчиларини bepул дарсликлар ва мактаб ашёлари билан таъминлаш давом эттирилди. 521 минг нафар ўқувчиларга совға сифатида қарийб 15 млрд.сўмлик дарсликлар ва мактаб ашёлари совға сифатида ажратилди. "Экосан" халқаро жамғармаси томонидан хорижий ҳомийлар иштирокида "саломатлик поездлари" ташкил этилганлигини ва Орол бўйи аҳолисига 1,2 млрд.сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилганлигини ана шундай амалий ишлар қаторига қўшиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, биргина 2006 йилда икки ёшгача бўлган боласини парваришлаш учун таътилда бўлган қарийб 300 минг нафар она, 18 ёшгача боласи бўлган 1100 мингдан ортиқ оила, 170 мингдан ортиқ кам таъминланган оилалар нафақалар ва моддий ёрдамлар олишди. Бу давлат: ижтимоий ҳимоясининг муҳим томони бўлиб, шуниси қувончлики, унга кўпроқ ютуққа эришган фуқаролар, фермерлар ва тадбиркорлар

кўшилмоқдалар.

2006- йил мобайнида мамлакатимизнинг барча минтақаларидаги 30 минг нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар учун мамлакатимиз пойтахтида ва Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз каби қадимий

шаҳарларта саёҳат поездлари ташкил этилди¹.

Ўтказилаётган ўзгаришлар давомида аҳоли бандлигига катта аҳамият берилди.

Ислоҳот йилларида 1,5 млн. янги иш жойлари жумладан, уларнинг қарийб 1 миллиони қишлоқ ҳудудларида барпо этилди. Ўтказилаётган ислоҳотларнинг ва Ўзбекистондаги ижтимоий ҳимоя методларининг айнан

социал йўналтирилганлиги туфайли жамиятнинг қашшоқ ва бойларга кескин бўлинишининг олдини олишга муваффақ бўлинди.

Аҳолининг энг кўп таъминланган 10 фоизи ва энг кам таъминланган 10 фоизи даромадларининг нисбати 7 8 мартадан ошмайди, айти вақтда МДХнинг кўпгина мамлакатларида бу кўрсаткич 16 ва ундан кўпроққа тенгдир. Бундан ташқари ўтиш иқтисодиётига эга бўлган кўп мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда пенсияларни тўлаш бўйича қарздорлик мавжуд эмас, бу жуда муҳим натижадир, чунки мамлакатда 3,2 млн. пенсионер бор¹.

Ҳозирги пайтда давлат томонидан ижтимоий ҳимоя тадбирлари билан аҳолининг ёрдамга муҳтож барча қатламлари қамраб олинган.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан ўтказилган жамоатчилик фикри сўровлари мустақиллик йилларидаги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига фуқаролар баҳоларининг ижобий динамикасида далолат беради: 1998 йилдаги 81,6 фоиздан ("яхши ва барқарор" ва "қисман яхши ва барқарор" жавобларининг йиғиндиси) 2006 йилдаги 89,6 фоизгача. Жамоатчилик фикрининг шаклланишига мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш омили сезиларли таъсир кўрсатади, бу эса аҳолининг баҳо беришича, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган энг муҳим ютуғидир. Бундан ташқари, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши ва манзилли ижтимоий сиёсатнинг ўтказилиши фуқароларда ижтимоий-иқтисодий сиёсат

¹ Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш устувор вазифамиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаси//Халқ сўзи.2006 й. 8декабрь.

¹Шакиров И.А. Нурматов Д.Н. Этапы развития социальной защиты населения в Республики Узбекистан.//Сборник научных трудов. – Т.:Филиал РЭА им.Г.В.Плеханова в г.Ташкенте, 2007.31-6.

халқ манфаатлари йўлида ўтказилаётганлиги ва мамлакат раҳбарияти аҳоли турмуш даражасини ошириш, иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун етарлича куч сарфлаётганлигига ишончни кучайтирилди.

Тадқиқотлар натижалари шуни ишонч билан тасдиқлайдики, амалга оширилаётган ислохотлар ўзбекистонликларнинг барқарорлик салоҳиятини жиддий мустаҳкамлаб берди, у қулай шароитларда ўрта синфнинг ўсиши

учун асос бўлиши мумкин. Жамоатчилик фикри сўрови маълумотларига кўра, 2006 йилда 59 фоиз аҳоли, ўз баҳосига кўра, ўзини ва ўз оиласини аҳолининг ўрта қатламларига мансуб деб ҳисоблаган.

Жамоатчилик фикри сўровлари мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ривожланишда эришилган натижалардан фуқароларнинг қониқиш даражаси аниқланди. Масалан, сўров маълумотларига кўра, мамлакат аҳолисининг кўпчилиги фуқароларнинг, аҳоли муҳтож қатламларининг ижтимоий ҳимояланганлик даражасидан (80,9%), тадбиркорликни самарали ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлардан (84,9%) ва умуман иқтисодиётнинг барча соҳалари тараққиётидан (83,8%) қониқиш ҳосил қиладилар. Шу билан бирга, бандлик ва меҳнатга ҳақ тўлашни ошириш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати, аҳолини тоза ичимлик суви, ёқилғи, транспорт, уй-жой, коммунал хўжалиги хизматлари билан таъминлаш соҳалари, фуқаролар фикрича, янада ривожлантиришга ва такомиллаштиришга муҳтождир. Шу сабабли айнан 2007 йилда - аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йилида бу муаммоларни ечиш чоралари белгиланган.

Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларининг далолат беришича, мустақиллик йилларида ўзбекистонликларнинг пенсионерларга, кекса кишиларга ҳурмати (75,4%) ва чорасиз камбағал фуқаролар тўғрисида ғамхўрлик қилиш (60,9%) каби ахлоқий сифатлари анча кучайган.

Муҳтож фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ижтимоий сиёсатнинг муҳим механизмидир. Маҳалла орқали ёрдам кўрсатиш тизими муҳтожларга

ижтимоий ёрдам кўрсатишни амалга оширишнинг энг содда, аммо самарали ва очиқ воситасидир. Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларининг курсатишича, моддий ёрдамга мухтож фуқароларнинг кўпчилиги уни маҳалла орқали оладилар.

Ижтимоий ҳимоя фақат давлат ташкилотлари ва ҳокимият органларининг иши бўлиб қолмаслиги - у бутун жамиятнинг диққат-марказида туриши керак.

2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ҳолисона хайрия фаолияти ҳаракатини кучайтиришга ва ўта мухтож Фуқароларга бу ёрдамнинг турини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон қонунчилигида нафақалар ва имтиёзлар назарда тутилган, 2,3 миллион оила ёки барча оилаларнинг салкам 40 фоизи уни олувчилар ҳисобланади. Ижтимоий ҳимоя ва манзилли қўллаб-қувватлашнинг шакллари ва турлари келтирилган.

Мамлакат Президенти И.А.Каримов аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсатини мақсадга йўналган ҳолда ҳаётга татбиқ эта бориб, ҳар бир йил номини ижтимоин муаммоларни ҳал қилишга урғу берган ҳолда эълон қилмоқда. "Инсон манфаатлари йили", "Хотин-қизлар йили", "Оила йили", "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" шулар жумласидандир. Ҳар бир шахснинг манфаатлари бош ўринга қўйилган давлат барпо этиш бўйича танланган йўлнинг мантикий давоми сифатида 2007 йил "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинди, шу номли давлат дастури қабул қилинди ва амалиётга киритилди, бу борада қатор тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2007 йилги давлат бюджетида ижтимоий ҳимояни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга йўналтириладиган молиявий маблағларни анча кўпайтириш назарда тутилган. Шунини айтиш зарурки, агар 2006 йилда ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга умумий харажатлар давлат бюджетининг 51%ни ташкил этган бўлса, 2007 йилда эса ушбу мақсадларга йўналтириладиган маблағлар 54,1 фоизни ташкил этади. Кам

таъминланган оилаларга, шу жумладан болали оилаларга ижтимоий нафақалар давлат бюджетининг 7 фоизни ташкил қилади¹.

Айни вақтда ёлғиз кексаларга, ногиронларга, камбағал оилаларга манзилли ёрдамнинг барча мумкин бўлган турлари ҳам давлат даражасида, ҳам жамоат ташкилотлари, кўп сонли жамғармалар, турли мулкчилик шаклидаги ташкилотлар ва корхоналар, хусусий бизнеснинг айрим вакиллари

ва бу хайрли ишга ўз улушини қўшишни истаган оддий фуқаролар томонидан кўрсатилмоқда.

Масалан, Наврўз байрамига бағишланган умумхалқ хайрия ҳашари мобайнида муҳтож фуқароларга 473 миллион сўмлик аниқ манзилли ёрдам кўрсатилди. Ушбу тоифага мансуб ўзбекистонликларнинг кўплаб вакиллари бундай ёрдамни пул маблағлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, қорамол ва парранда шаклида олишди. Кексалар, ногиронлар ва камбағал оилалар яшовчи 370,7 минг квадрат метр уй-жой текинга таъмирлаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2007 йил 19 мартдаги "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида бош мақсадлардан бири сифатида ёрдам кўрсатишда манзиллилиқ ва табақалашган ҳолда ёндашишни таъминлаш, ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш

ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни амалга оширадиган муассасаларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш белгиланган.

Ушбу Фармонга мувофиқ, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари болали, муҳтож оилаларга, 2 ёшгача бола парвариши бўйича ишламаётган оналарга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам беришда ижтимоий адолат, холислиқ ва ошкоралиқ қоидаларига амал қилишлари керак. Бундай мададнинг манзиллилигини таъминлашда, уни жамиятнинг ҳақиқатдан ҳам муҳтож аъзоларига беришда уларнинг даромади

¹ Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш устувор вазифамиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаси//Халқ сўзи.2006 й. 8 декабрь.

даражаси ва мулкӣ ҳолатини ҳар томонлама ҳисобга олиш зарур. Шунингдек, ушбу маблағларнинг самарали ва мақсадли ишлатилиши жуда муҳимдир.

Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатнинг 2006 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги ўз маърузасида таъкидлаганидек, Ўзбекистонда фуқароларнинг фаровонлигини ошириш бўйича энг жиддий вазифаларни ҳам ҳал қилиш учун барча шароитлар, жумладан, етарлича кудратли иқтисодий асос яратилган. Шу муносабат билан жорий йилда ўртача иш ҳақини камида учдан бир марта ошириш, 2010 йилда эса уни 2,5 бараварга кўпайтириш белгиланган. Бинобарин, пенсиялар ва нафақалар ҳам тахминан ана шундай тараққиёт бўйича ўсади. Ўзбекистон Президентининг 2007 йил 19 мартдаги Фармони бу йўналишдаги муҳим қадам бўлди. Унда 2007 йилнинг биринчи сентябридан оқ кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлашга бюджетдан ажратмаларнинг ҳажмини 1,5 баравар кўпайтириш, бир вақтнинг ўзида унинг тайинланиш ва тўлаш муддатини олти ойгача кўпайтириш назарда тутилган.

. Айни вақтда ҳар бир тарбиячига тўғри келувчи болалар сони 15-18тадан 5-6тагача қисқаради, шубҳасиз, бу уларнинг иш сифатига ижобий таъсир қилади. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан болалар, кексалар ва ногиронлар учун интернат-уйлар, "Мурувват" ва "Саҳоват" уйлари, имкониятлари чекланган ва жисмоний ривожланиши ўзига хос шахслар учун махсус коллежлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаториялар, ногиронлар учун реабилитация марказлари ва уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизматлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси миқдори 25 фоизга ошади.

2007 йил 1 июлдан уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаториялар ходимларининг тариф ставкаларига 15 фоиз миқдорида устамалар жорий қилинади. Айни вақтда уйда ижтимоий хизмат кўрсатиш ходимларининг,

шунингдек, ногирон болаларни уйда ўқитадиган педагогларнинг йўл харажатларини бирваракайига ҳар ойлик коплаш татбиқ этилади. Унинг миқдори мамлакатнинг барча минтақаларида бир минимал иш ҳақиға, Тошкент шаҳрида эса 1,5 миқдордаги минимал иш ҳақиға тенг бўлади. Бу чоралар, шубҳасиз, юқорида саналган касблар ходимларининг обрўсини кўтаришға имкон беради, уларнинг ижтимоий ҳимояланганлигини оширади, бу соҳаға янги ходимларни жалб қилади, бу пировардида иш натижаларига ижобий таъсир кўрсатади. Шу вақтдан бошлаб ихтисослаштирилган ногирон Ўқувчилар учун, имконияти чекланган ва жисмоний ривожланишда алоҳидаликларға эға бўлган шахслар учун бепул овқат берилади.

Жамиятнинг кам таъминланган қатламлари вакиллари аамалда қўллаб-қувватлашға қаратилган маблағлар ҳажмининг катта қисми анъанавий равишда ҳомийлик ёрдами ёки хайрия фаолиятидан тушумлар сифатида берилади. Беғараз ёрдамнинг бундай хайрли шаклини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йилида хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлик тузилмалари томонидан ушбу мақсадларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига кўчирадиган маблағлари тўла миқдорда фойда солиғи тўлашдан озод қилиниши белгилаб қўйилди.

28 та "Меҳрибонлик уйи", 86 та ихтисослаштирилган ҳамда имконияти чекланган ва жисмоний ва руҳий ривожланишда кечиккан болалар учун санатория типигади мактаб-интернатларни тубдан таъмирлаш, қайта жиҳозлаш ва микроавтобуслар сотиб олиш учун тадбирлар белгиланган, бунға давлат бюджетидан қўшимча равишда 8,2 миллиард сўм маблағ ажратилади. "Мурувват" ва "Саховат" уйларини, уруш ва меҳнат фаҳрийлари учун санаторияларни, ногиронлар учун тикланиш марказларини жиҳозлаш ва улардаги яшаш шароитларини яхшилашға кўрсатилган манбадан қўшимча равишда 5,2 миллиард сўм маблағ сарфланади.

Давлат бюджети корхоналар ва ташкилотларнинг солиқлари. фуқароларнинг мулкдан олинадиган даромад солиғи маблағларидан

шаклланишини ҳисобга олиб, бу хайрли ишни молиялаштиришда ҳар бир ўзбекистонлик бевосита иштирок этади деб айтиш мумкин.

Шундай қилиб, ижтимоий ҳимоя фақат давлат ташкилотлари ва ҳокимият органларининг, ижтимоий таъминот муассасалари ва хайрия ташкилотларининг иши бўлиб қолмаслиги керак. "Ижтимоий" тушунчаси ҳаммамизга тегишлидир ва у бутун жамиятнинг диққат-эътиборида туриш лозим.

2.2-бўлим. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кафолатловчи қонунчилик ва давлат сиёсатидаги муҳим қўринишлар

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган. Унда хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мустаҳкамланган, жамиятнинг асоси сифатида oilанинг роли, никоҳни эркин розилик шароитларида тузиш зарурлиги қайд қилинган, ота-оналар ва болаларнинг бир-бирларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган, бола ҳуқуқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддаларида ҳар бир кишининг қариликда, меҳнатга лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқига эга бўлиши кўрсатилган. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турлари расман ўрнатилган яшаш минимумидан паст бўлиши мумкин эмас (39-модда). Ҳар бир киши малакали тиббий хизматдан фойдаланиш (40-модда) ва таълим олиш ҳуқуқига эга (41-модда).

1993 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасини тузиш тўғрисида" 1993 йил 23 апрелдаги ПФ-596-сон фармони, Вазирлар Маҳкамасининг "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 1993 йил 3 июндаги 268-сон қарори ёш авлоднинг саломатлигини таъминлашга, оналик ва болаликни қўриқлашга, болаларнинг жисмоний, ақлий ва ахлоқий ривожланиши учун қулай шароитлар яратишга қаратилган. "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ёш авлоднинг соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ёрдам берувчи миллий ва маҳаллий даражалардаги тadbирларни мувофиқлаштириш мақсадида

тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "1993 йилнинг 1 июлидан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар, стипендиялар, болали оилаларга ижтимоий нафақалар миқдорларини ошириш ва истеъмол бозорини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" 1993 йил 28 майдаги ПФ-607-сон Фармони оилани ижтимоий ҳимоялашни янада кучайтиришга қаратилган.

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал қилиш тўғрисида" 1993 йил 3 декабрдаги 589-сон қарори Ўзбекистон ёш фуқароларининг саломатлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Юртбошимизнинг 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XIII сессиясидаги нутқида шундай дейилган: "Тошкентда давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришга оид тажрибани ҳисобга олиб, бу жараён бутун республикада авж олиб кетди. 900 мингтага яқин квартира хусусийлаштирилди. Бу эса хусусийлаштирилиши лозим бўлган уй-жойлар умумий ҳажмининг 82 фоизини ташкил қилади.

Бунда фахрийлар, ўқитувчиларга, тиббиёт ходимлари, ижодий ва илмий ходимларга 300 мингтадан кўпроқ квартира бепул топширилди¹.

1994 йил

Вазирлар Маҳкамасининг "Иқтисодиётнинг нодавлат секторида банд бўлган фуқароларнинг меҳнат муносабатларини ва уларни ижтимоий ҳимоялашни тартибга солиш тўғрисида" 1994 йил 8 февралдаги 57-сон қарори корхонада ҳомиладор аёллар, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича, шунингдек, уч ёшгача бўлган фарзандни парваришлаш бўйича таътилда бўлган, 14 ёшгача бўлган болаларни тарбияловчи сўққабош ота-оналар, 16 ёшга кирмаган ногирон боласи бўлган ота-оналар штатларни қисқартиришга тушган ҳолларда уларни ижтимоий ҳимоялашни таъминлайди.

¹И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.:Ўзбекистон. 1994 й., 107-б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Оилаларга ва болаларга давлат ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 1994 йил 16 июндаги ПФ-871-сон Фармони 1994 йил 1 сентябрдан 16 ёшга тўлмаган болалари бўлган барча оилаларга ойлик нафақадан; бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақадан; 16 ёшга кирмаган ИИТ инфекциясини юқтирган ёки ОИТС билан касалланган болаларга ойлик нафақадан иборат ижтимоий ёрдамнинг ягона тизимини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1994 йил 23 августдаги ПФ-938-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш масалалари тўғрисида" 1994 йил 24 августдаги 434-сон қарори кам таъминланган оилаларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органлари - маҳалла кўмиталари орқали моддий ёрдам кўрсатиш бўйича махсус жамғармаларни тузишни таъминлайди.

1995 йил

"Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси" (1995 йил 21 декабрь, 161-1-сон) меҳнат муносабатларини тартибга солади, ҳомиладор, болали аёлларга ишни, ҳомиладорлик, туғиш ва уч ёшгача бўлган болани парваришlash бўйича таътилни, шунингдек, 12 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бўлган аёлларга қўшимча таътилни кафолатлайди; аёлларга ва оилавий мажбуриятларни бажариш билан машгул шахсларга имтиёزلарни кафолатлайди; хотин-қизлар меҳнатини қўриқлашни таъминлайди; хотин-қизларни ишсизликдан ҳимоя қилади.

1996 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1996 йил 4 мартдаги ПФ-1383-сон Фармони болали оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Соғлиқни сақлаш тўғрисида"ги Қонуни (1996 йил 29 август) оила саломатлигини, оналик ва болаликни қўриқлашни таъминлайди; ҳар бир фуқаронинг тиббий ҳолатлар билан боғлиқ оилавий масалалар бўйича бепул маслаҳат олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди; биринчи марта оилавий врачни танлаш ҳуқуқи кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида" 1996 йил 4 декабрдаги ПФ-1657-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг "Болали оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1996 йил 10 декабрдаги 437-сон қарори асосида 16 ёшга тўлмаган болалари бўлган муҳтож оилаларга нафақа тайинлаш ва табақалаштирилган (оиладаги болалар сонига боғлиқ равишда) ҳолда тўлаш ҳақидаги қоидалар тасдиқланди.

1997 йил

Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонуни (1997 йил 29 август 463-1 -сон) кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга қаратилган, қобилиятли болалар ва ёшларни қўллаб-қувватлашни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни (1997 йил 29 август 464-1-сон) ота-оналарга бола»арни тарбиялаш, уларни мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб таълим билан таъминлаш мажбуриятини юклайди; оилада таълим олишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Таълим-тарбия ва кадрлар

тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида" 1997 йил 6 октябрдаги ПФ-1869-сон Фармони юксак умумий ва касб маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка эга бўлган, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил йўл топа оладиган, истиқболдаги вазифаларни аниқлашга ва ечишга лаёқатли янги авлодни тарбиялашга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "SOS-Ўзбекистон болалар қишлоқлари" уюшмасини ташкил этиш тўғрисида" 1997 йил 31 декабрдаги 585-сон қарори етим болаларни ва етим болаларни вояга етказаётган оналарни қўллаб-қувватлашга қаратилган; "SOS-Ўзбекистон болалар қишлоқлари" уюшмасини ва унга тегишли SOS-лойиҳаларини тегишли жиҳозлар билан таъминлайди.

1998 йил

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Болаликдан ногиронликнинг олдини олиш учун янги туғилган чақалоқлардаги ва ҳомиладор аёллардаги туғма ва бошқа патологияларни аниқлашнинг давлат тизимини - "Она ва бола скрининги"ни ташкил этиш тўғрисида" 1998 йил 1 апрелдаги 140-сон қарори. Яшаш ҳуқуқи инсоннинг ажралмас ҳуқуқи ҳисобланади, у ҳомиладорлик ёки туғиш сабабли хавф-хатарга дучор этилмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган. Янги Оила Кодекси оиланинг жамиятни янгилашдаги роли ва иштирокини янада оширишга қаратилган, у оиланинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий манфаатларини ва фаровонлигини оширишни таъминлайди. Оилавий муносабатлар иштирокчиларининг жамият бўғини сифатида оилани мустаҳкамлашга, эр-хотинлик, ота-оналик, фарзандлик бурчларини бажариш учун масъулиятни тарбиялашга қаратилган ҳуқуқларини таъминлайди. Оила Кодекси қоидалари замонавий талабларга мос келади ва аёлларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳисобга олади, никоҳга киришда эркаклар ва

аёллар тенглигини мустаҳкамлайди.

"Аҳолининг бандлиги тўғрисида"ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган. Аҳоли, жумладан, хотин-қизлар бандлиги масалаларини тартибга солади; аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишнинг қонуний асосларини ва кафолатларини яратади.

1999 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий ёрдам билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида" 1999 йил 13 январдаги ПФ-2177-сон Фармони. Фуқароларнинг ижтимоий таъминоти давлатнинг асосий гамхўрликларидан биридир. Аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш ва муҳтожларга ёрдам кўрсатишда маҳалла кўмиталари бош органлардан бирига айланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 1999 йил 14 январдаги 18-сон қарори аҳолига давлат томонидан кафолатли бепул тиббий-санитария ёрдами даражасини ва сифатини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Хотин-қизларнинг оидадаги, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилги тадбирларнинг давлат дастури тўғрисида" 1999 йил 18 февралдаги 73-сон қарори. Раҳбарлик лавозимларига кўрсатиш учун кадрлар захирасини тузиш мақсадида хотин-қизларнинг касбий тайёргарлигини, жумладан, уларни хорижда тайёрлашни, такомиллаштириш мазкур қарорда илгари сурилган асосий вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги Қонуни (1999 йил 14 март). Мазкур қонунда меҳнат стажига эга бўлган ҳолда хотин-қизларга 54 ёшда пенсияга чиқишга рухсат берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Якка тартибда уй-жой қурилишини амалга ошираётган кўп болали ва кам таъминланган оилаларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 1999 йил 3 сентябрдаги 411-сон қарори. Мазкур қарорга мувофиқ, якка тартибда уй-жой қурувчиларга ва уй-жой, қурилиши кооперативларига девор материалларини имтиёзли нархларда берувчи корхоналар маҳсулотлари қийматининг 30 фоизи давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

2000-2001 йиллар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларни ошириш тўғрисида" 2000 йил 23 июндаги Фармони оилани ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида" 2001 йил 13 февралдаги ПФ-2810 -сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 2001 йил 13 февралдаги 75-сон қарори меҳнат бозорини шакллантириш сиёсатини фаоллаштиришга ва меҳнатга яроқли аҳолининг, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга ёрдам бериши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Бир марталик иш билан таъминлаш муваққат марказларини тузиш тўғрисида" 2001 йил 18 майдаги 223-сон қарори. Фуқароларга бир марталик муваққат ишларга ёлланишда ёрдам бериш ушбу марказларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг " SOS-Ўзбекистон

болалар қишлоқлари уюшмасининг хайрия фаолиятини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2001 йил 26 июндаги 271-сон қарори. Бўш маблағларни етим болалар учун хайрия фаолиятини кенгайтиришга йўналтириш мақсадида иш ҳақидан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига 7 фоизлик ажратмалар ставкаси белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2001 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида" 2001 йил 29 июндаги ПФ-2893 -сон фармони оилани ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий ўқув юртларида тўлов-шартнома асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида" 2001 йил 26 июлдаги 318-сон қарори. Унда етимлар, "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланганларга ҳамда болаликдан 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари бўлганлар учун имтиёзли фоизсиз таълим кредитлари бериш; кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит учун фоиз тўловларининг 50%ини Бандлик жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш назарда тутилади.

2007 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастури тўғрисида" 2007 йил 23 январдаги ПК-573-сон қарори аҳоли ва оилаларнинг, ногиронлар ва ёлғиз кексаларнинг муҳтож табақаларига ёрдам кўрсатишнинг манзиллилигини, табақалашганлигини ва самарадорлигини оширишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида" 2007 йил 19 мартдаги ПФ-3864-сон Фармони аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда аниқ йўналтирилган ва табақалашган ёндашувни янада кучайтиришга, кам таъминланган оилаларни зарур моддий ёрдам кўрсатиш орқали қўллаб-

қувватлашни таъминлашга, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими ходимлари меҳнاتини рағбатлантиришни ва ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштиришга, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сон Фармони ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларга меҳнат фаолиятининг бошланишида ва мустақил ҳаётга қадам қўйишида зарур ёрдам кўрсатиш, даромадларнинг барқарор манбаларини шакллантиришнинг, уй-жой ва турмуш шароитларини яхшилашнинг амалий рағбатлари ва усулларини яратиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Шунингдек, ушбу Фармонда ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида кредитлар бериш кўрсатилган.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган тадбирлардан яна энг муҳими шундаки, жорий йилнинг 17 сентябр куни "Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус ПФ-3921-сон Фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармоннинг аҳамиятли томони юртимизда ҳалол меҳнат қилиб, ҳозирги кунда пенсияда қарилик гаштини сураётган ва пенсияга чиқадиган мўътабар инсонларнинг ҳурматини ўрнига қўйиш ва эъзозлашдир.

Бу Фармон 2007 йил 1 октябрдан кейин пенсияга чиқадиган фуқароларгагина эмас, балки, биринчи навбатда, ҳозирги кунда пенсияда бўлган фуқароларга ҳам тааллуқлидир.

Шу муносабат билан, ижтимоий таъминот органлари томонидан пенсияси энг кам иш ҳақининг етти баравари миқдоридан ортиқ бўлган шахсларнинг илгари тайинланган барча пенсиялари қайта кўриб чиқилади, пенсиялар янги нормативдан келиб чиққан ҳолда оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида” 2007 йил 10 июлдаги ПФ-3889-сон Фармони аҳолининг турмуш даражасини ошириш мақсадида уни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган.

ХУЛОСА

Суверен Ўзбекистон жаҳонга юз тутди, жаҳон Ўзбекистонни тўла тан олди ва ўз сафларига тенглар қаторида қўшди. Халқимиз шундан бошлаб жаҳонни “Марказий телевидение” мухбирлари нигоҳи билан эмас эндиликда ўз нигоҳи билан кўриш имкониятига эга бўлди. Бу нигоҳ бундан буён на фақат кўриш, балки “иқтисодий эркинлик” сиёсати билан бирга олиб борилиши эвазига одамларимиз моддий манфаатларини кенгайтиришига ҳам кенг йўл очилди. Албатта кишиларга дунёни кўриш ва иқтисодий алоқаларни ўрнатиш шароитлари, хорижий давлат фуқароларига ҳам баробар ҳолда берилди. Бунда энди иқтисодий ривожланишдаги нотенглик, собиқ Шўролардан қолган моддий имкониятларимизнинг ортда қолиши каби ҳолатлар ижтимоий жихатдан бизнинг ҳимояланишимиз фойдасига эмас эди. “Кучли ижтимоий сиёсат” бир тамондан ички муаммолардан ижтимоий ҳимояланмаган аҳолини қўллаб қуватлашга қаратилган бўлса, ташқи алоқаларимизда ташқи ҳамкорларимизнинг биздан иқтисодий устунлигидан ножўя файдаланмасликларига қаратилди.

Шуни таъкидламоқчимизки Президент И.А.Каримовнинг “Ўзбек модели” концепциясининг беш тамоили, Ўзбекистонимизни “Буюк келажак сари” олиб бориб нуфузли давлатлар қаторига қўшиш вазифасини яққол белгилагандир.

Ўзбекистон суверенитетини тиклаш йўлида биринчи қадамларидан бири ўзининг сарҳадларини мустакамлаб ички ва ташқи бозориимзни ҳимоялаш сари қўйилганлиги бўлди. Бу борада Республикамиз раҳбарияти, давлати тамонидан 1992 йил март ойида БМТга аъзо бўлишимиз, унинг барча қонун қоидаларини қабул қилиб уларнинг “устинлигини тан олган ҳолда” бизнинг манфаатларимизга жавоб берадиганларини кенг миқёсда ратификация қилиб борди. Шундан буён, халқаро қатор ташкилот, дастур ва конференцияларида иштирок этиб бормоқдамиз. Хусусан Ўзбекистон Бирлашган Миллотлар Ташкилотининг Савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД)нинг жараёнларида иштирок этиб боради.

И.А.Каримов “БМТ доирасида жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувни – деб ёзган эди,- БМТнинг ихтисослашган муассасалари – ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНКТАД, ЮНИСЕФ ва бошқалар билан кенг ҳамкорлик қилиш маъносида тушунамиз.”² Хусусан, Конференция савдони, тадбиркорларни рағбатлантириш, савдо ахборотларини, сармоялашни кенгайтиришни, глобллашув, тенгҳуқуқли асосда интеграциялашишдан иборат муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилади. Шу жумлада, Бож маълумотларини қайта автоматлашган тизими янги технологиялардан фойдаланиш билан ҳукуматларга бож олиш расм-русумларини модернизация қилиш ва божхона хизматини бошқаришга ёрдам беради.³ Давлатимиз шундай нуфузли халқаро ташкилотларда иштирок этибгина қолмай балки унинг амалий фаолиятини жанлантириш ва ривожлантиришга ҳам ўзининг нуфузли хиссасини қўшаётганини халқоро миқёсда тан олиб борилмоқда. Фикримизнинг исбот, далилини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божхона хизмати тўғрисида” қонунининг 3-чи “Божхона органлари” моддасининг иккинчи абзацида “Божхона органлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлариги ва халқаро шартномаларга амал қиладилар.”⁴ деб ёзилган қоидалари тасдиқлайди. Шунингдек ушбу қонуннинг 14 моддаси фикримизни аниқ вазифалар билан белгилаб қуйган.⁵

Божхона сиёсати, уни амалга ошираётган Божхона тизими Ўзбекистонда Республикамиз Конституциясининг, биринчи галда 1-моддасининг, “Ўзбекистон – суверен демократик республика.” талабларини мустаҳкам ижрасида намоён бўлади. Сўнгга 17 – моддасидаги “Республика давлатининг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида...”, қоидаларини бажарилишида ўзининг каттагина вазифа жавобгарлигини бажаради. Божхона тизимиинг аниқ намоён

² Ўша жойда. 302 бет.

³ БМТ: асосий омиллар. Тошкент БМТнинг Ўзбекистон ваколотхонаси. 2001 йил. 158, 160 бет.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Божхона қонунчилиги бўйича меърий – ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Тошкент 2009 йил. 116 бет.

⁵ Ўша жойди. 124 бет.

бўладиган вазифаси Конституциянинг 78- моддаси 4 чи банд “Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;” 7 чи банд “бож, валюта ва кредит ишларини қоун йўли билан тартибга солиш;”⁶ ишларида бевосита ижрочи ролида кўринади.

Юқоридагиларнинг барчаси этибор бериб қаралса Президентимиз И.А.Каримов илгари сурган ва барчамизнинг, жамият қурилишида вазифамиз қилиб белгиллаган Беш тамоилидаги тўртинчи “Кучли ижтимоий сиёсат” масалаларининг бевосита ва билвосита бажарувчиси божхона тизими таалуклий қисмидир. Шундай бўлсада жамиятимизнинг қолган барча қисмига таалукли “Божхона сиёсати” мавжуд бўлиб унинг тавсифида шундай қоидалар бўлиб, “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланувчи ягона божхона сиёсати амалга оширилади.” деб баён этилган қоида мазмуни, мақсади, вазифаси билан “Кучли ижтимоий сиёсат” тамоилининг бажариб боришида асосий механизм, восита ва таянч бўлиб божхона хизмати юклатилаётганининг далилидир. Шундай бўлсада фуқароларнинг қонун олдидаги масулияти, бажарувчилиги, юқоридаги фикрлар олдида устуворроқ бўлишини этибордан четга қолдириб бўлмайди.

Демак, жамиятимиз аъзоларининг нечоғли қонун олдида маъсулиятлилиги, уни ўзлари, улар олдида четдан келиётган меҳмонлари, ташриф буюраётган шериклари тамонидан тўла бажариб борилиши, биринчи навбатда жамиятимиз фаровонлиги гарови бўлиб ҳизмат қилади.

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини эркинлаштиришнинг кенг дастурини амалга ошириш, иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани бошқариш тизимини демократлаштиришни кучайтириш билан характерланади. Ўзбекистонда бозор ислохотларининг миллий модели асосида беш тамойил ётади, улардан

⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент 2012 йил .4,6, 15 бет.

бири кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдир.

Аҳолининг, айниқса, кам таъминланган қатламларнинг ижтимоий ҳимояланганлигини кучайтириш учун амалдаги имтиёзлар ва нафақалар тизими такомиллаштирилмоқда; кам таъминланган оилаларга нафақалар тўлашни ташкил этиш билан шуғулланувчи ўзини-ўзи бошқариш органлари мугахассисларининг тайёргарлик даражаси оширилмоқда.

Аҳолининг, унинг кам таъминланган қатламларининг ижтимоий ҳимояланганлиги даражасини оширишга қуйидагилар ҳисобидан эришилади:

-аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чораларини молиялаштириш мақсадида бюджетдан ташқари манбаларни, жумладан, хайрия ташкилотлари ва ҳомийларни жалб қилиш, бу кам таъминланган оилаларнинг катта қисмини қамраб олишга ва ижтимоий тўловлар миқдорини кўпайтиришга имкон беради;

- тарифларнинг ўсишини қисман қоплаш учун кам таъминланган оилаларга уй-жой-коммунал хизматларини тўлаш учун мақсадли ва манзилли субсидияларни босқичма-босқич жорий қилиш;

- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини, аввало, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ишлатилмаётган меҳнат салоҳиятига эга бўлган кам таъминланган оилалар вакилларига кредит ресурслари беришга ваколатли микромолиялаштириш институтларини кенгайтириш.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида жамиятни тубдан ислоҳ қилиш жараёнида давлатнинг ижтимоий соҳадаги асосий стратегик мақсаллари ҳар

бир кишининг ҳаёт сифатини яхшилашга, оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун ишончли манбаларни таъминлашга, кекса авлод, пенсионерлар тўғрисида гамхўрлик қилишга, инсоннинг ижтимоий-иқтисодий, жумладан, муносиб турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқлари ва кафолатларини таъминлашга қаратилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда амалда бўлган ижтимоий ҳимоя тизими мураккаб даврда нафақат аҳолининг ижтимоий муҳтож гуруҳларини ҳимоя қилишдан, шунингдек, унумли меҳнат учун рағбатларни яратишдан ҳам

иборатдир. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг тузилган тизимини босқичма-босқич қайта ташкил этиш ва такомиллаштириш кетмоқда, ҳар бир кишининг иқтисодий эркинлигини ўз фаровонлиги ва ўз оиласи фаровонлиги учун жавобгарлик билан уйғунлаштиришга асосланган иқтисодий муносабатлар қарор топмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий Қонун). Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётининг асосий тамойиллари. Тошкент: Ўзбекистон. 1995.
3. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш - устувор вазифамиз. Ўзбекистон республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2006 й. 8 декабрь.
4. Каримов И.А. Бош мақсадимиз - демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт ва фуқаролик жамияти асосларини қуриш. Ўзбекистон республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи. 2007 й. 14 февраль.
5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996. №1.
6. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1993. №9.
7. Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнат кодекси" тўғрисидаги қонуни. 1995. №161-1.
8. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. №9.
9. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрларни тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. №11-12.
10. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг бандлиги тўғрисида"ги Қонуни. Янги таҳрир// Халқ сўзи. 1998 й. 22 май.

11. "Ўзбекистон Республикаси уй-жой кодекси" 2001: №220 - II.
12. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг жамғариладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни. // Халқ сўзи. 2004 й. 15 октябрь.
13. Ўзбекистон Республикасининг "Уй-жойларнинг хусусий мулкдорлари ширкатлари тўғрисида"ги Қонуни. 2006. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари №32.
14. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг саломатлигини кўриқлаш тўғрисида"ги Қонуни, ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олиб. 2006 й. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари №59.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолининг ижтимоий муҳтож табақаларини манзилли қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида"ги Фармони. 2002. №ПФ-30-17.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармони. 2004.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони. Халқ сўзи. 2007 й. 20 март.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастури тўғрисидаги Қарори. 2007. № ПҚ-573.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарори. 2006. №ПҚ-459.
20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ижтимоий хизмат кўрсатиш тўғрисида"ги Қарори. 1999. 520-сон.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантириш бўйича тажриба ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида"ги Қарори. 2004.

22. Убайдуллаева Р.А. Сильная социальная политика и развитие системы социальных гарантий.// Общество и экономика. -1998. №3.

23. Саидов К. и др. Социальная экономика. Ташкент: Узбекистан, 2006.

Интернет сайтлар рўйхати:

1. www.fdu.vodiy.uz
2. www.Ziyo.uz
3. www.ziyouz.com
4. www.redagog.uz
5. www.ziynet.uz
6. www.gov.uz
7. www.leks.uz